



IFAD

INTERNATIONAL
FUND FOR
AGRICULTURAL
DEVELOPMENT

**Халқаро қишлоқ
хўжалиги тараққиёти
жамғармаси (IFAD)**



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида
Қишлоқ хўжалиги корхоналарини
таркибий қайта тузиш Агентлиги**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-
САБЗОВОТЧИЛИК ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНИШИНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ” ЛОЙИҲАСИ**

**“СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ
ШАРОИТИГА МОСЛАШГАН, ЮҚОРИ
ҲОСИЛДОР САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ
УРУҒЛАРИ НАВЛАРИНИ САРАЛАБ
ОЛИШ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АГРОТЕХНИК
ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ” БЎЙИЧА**

ҚўЛЛАНМА

**Тошкент – 2016
«Tafakkur» нашриёти**

УДК: 372.111.1(024)

КБК:24.269.1

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлиги буюртмаси ҳамда Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси (IFAD) молиявий кўмаги асосида Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Сурхондарё таянч пункти илмий ҳодимлари ва “Expert Info” МЧЖ мутахассислари томонидан тайёрланган.

Қўлланмада сабзавот, полиз ва картошка экинларининг шифобахилик хусусиятлари, уларни Ўзбекистон жанубида етиштиришининг технологияси, янги ва истиқболли навлари, касалликлари ва зараркунандалари ҳамда уларга қарши кураш чоралари келтирилган.

Қўлланма қишлоқ хўжалик мутахассислари, деҳқон, фермер хўжаликларига мўлжалланган. Ундан олий ўқув юрти талабалари, бакалавр, магистрлари, аспирантлар, ёш олимлар фойдаланишлари мумкин.

КБК:24.269.1

ISBN: 978-9943-24-107-7

© “Tafakkur” нашриёти, 2016 йил.

МУНДАРИЖА

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишида картошкачилик, сабзавот ва полизчиликнинг ўрни ва аҳамияти.....	4
2. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш.....	9
2.1. Картошка	9
2.2. Сабзавот экинлари.....	10
2.2.1. Помидор.....	10
2.2.2. Ширин қалампир.....	17
2.2.3. Бақлажон.....	20
2.2.4. Оқбош қарам.....	22
2.2.5. Бодиринг.....	25
2.2.6. Пиёз.....	27
2.2.7. Саримсоқ.....	29
2.2.8. Сабзи.....	31
2.2.9. Ош лавлаги.....	33
2.2.10. Шолғом.....	34
2.2.11. Турп.....	35
2.2.12. Дайкон.....	36
2.3. Полиз экинлари.....	38
2.3.1. Тарбуз.....	38
2.3.2. Қовун.....	40
2.3.3. Қовоқ.....	41
2.4. Қўкат сабзавотлар.....	43
2.4.1. Исмолок.....	43
2.4.2. Петрушка.....	44
2.4.3. Сельдерей – Хушбўй қарафс (Кўп йиллик ўсимлик).....	45
2.4.4. Шивит.....	47
2.4.5. Райҳон.....	48
2.4.6. Салат – Қоҳу, экма сутчўп.....	50
3. Мевали боғ қатор ораларида сабзавот ва полиз экинларини етиштириш.....	51
Фойдаланилган адабиётлар.....	74



1. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА КАРТОШКАЧИЛИК, САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗЧИЛИКНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Картошкачилик, сабзавот ва полизчилик ўзбек, қолаверса дунё деҳқончилигида энг қадимий асосий ва етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Сабзи, шолғом, саримсоқ, лавлаги 2 минг, карам, бод-ринг, пиёз кабилар 4 минг йилдан буён экилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда картошкачилик, сабзавот ва полизчиликни янада ривожланган соҳага айлантириш борасида йирик шаҳар, саноат марказларини сабзавот, полиз ва картошка билан таъминлаш мақсадида уларнинг агрофида сабзавот-картошкачилик зоналари ташкил этилди. Уларни қайта ишлайдиган ва сақлайдиган қудратли консерва саноати вужудга келди.

Лекин, жаҳон фани, техникаси ва илғорлар тажрибаси асосида минтақавий ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, алмашлаб экишни кенг жорий этиш, районлаштирилган нав ва гетерозисли дурагайларнинг сараланган сифатли, соғлом уруғларини экишга аҳамият бериш ҳосилдорликнинг омили эканлигига республика сабзавотчилигида фойдаланилмаётган имконият эканлигига эътибор бериш талаб этилади.

Сабзавот етиштиришда мавсумийликка чек қўйишда теплица - парникларни кўпроқ куриш, уларни иситишда куёш энергиясидан, табиий учрайдиган иссиқ сувлардан, табиий газдан, корхоналар ишлатиб бўлган иссиқ сув, буғ, тутун газлардан фойдаланиш ғоят катта аҳамиятга эга.

Республикаимизда эртаги сабзавот етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервларидан яна бири ёруғлик ўтказувчи плёнкалардан фойдаланишдир.

Сўнгги йилларда картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошиб бормоқда. Жумладан, юқори ўсиш суръати сабзавот ишлаб чиқаришда кузатилиб, 2014 йилда 2005 йилга нисбатан 2,6 мартага ошди ва 9,3 млн. тоннани ташкил этди. Ўсиш суръати экин майдонларининг 39,4%га кенгайиши ва ҳосилдорлик 30,4%га ошиши ҳисобига эришилди (1-жадвал). Шунингдек, маҳсулотнинг асосий ўсиш суръати суғорадиган ерлардан интенсив фойдаланиш, яъни кузги бошоқли дон йиғим-теримидан кейин такрорий экин сифатида экилиши ҳисобига эришилди.



Бу асосан Андижон, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларда катта ҳажми ташкил этади. Хусусан, турп ва шолғом тўлиқ такрорий экин сифатида, карам, сабзи ва бошқа сабзавотларнинг 55%дан ортиғи очиқ майдонларда етиштирилмоқда. Ўзбекистонда барча турдаги сабзавот етиштирилиб, унинг асосий қисми аҳоли истеъмоли учун қолган қисми қайта ишлаш ва экспортга йўналтирилади.

Очиқ майдонларда етиштирилаётган сабзавотлар таркибида помидор катта салмокни (27%) эгаллайди, бу эса нафақат янги узилган ҳолда истеъмол қилиш, балки аксарият қисми саноат йўли билан қайта ишланмоқда. Шунингдек, умумий ишлаб чиқарилаётган сабзавот маҳсулотларнинг 20% - сабзи, 13% - пиёз, 11% - карам, 7% - бодринг, 2% - саримсоқпиёз ва 20% - бошқа сабзавотлар ташкил этмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулот турлари	Эйин майдони, минг га			Ҳосилдорлик, ц/га			Ялпи ҳосил, минг тонна		
	2005 й.	2014 й.	2014 й.да 2005 й.га нисбатан ўснш, %	2005 й.	2014 й.	2014 й.да 2005 й.га нисбатан ўснш, %	2005 й.	2014 й.	2014 й.да 2005 й.га нисбатан ўснш, %
Картошка	49,8	80,3	161,2	170,3	217,5	127,7	924,2	2452,4	2,7
Сабзавот	137,7	191,9	139,4	215,8	281,4	130,4	3517,5	9286,7	2,6
Полиз	33,9	51,5	152,0	169,1	205,8	121,7	615,3	1696,1	2,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

2014 йилда картошка ишлаб чиқариш ҳажми 2,4 млн.тоннага етди, улардан 2,0 млн.тоннага яқини аҳоли истеъмоли учун, қолган қисми эса, уруғчилик мақсадларида ишлатилади. Шу боис картошкани саноат йўли билан қайта ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш амалга оширилмайди.

Республикада полиз маҳсулотларидан асосан тарвуз ва қовун етиштирилади. 2014 йилда полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 млн.тоннага етди ва унинг 98 фоизи суғориладиган ерларда етиштирилади. Уларнинг бир қисми тоғ олди ҳудудида жойлашган



ва табиий ёгингарчилик билан таъминланган лалми ерларда етиштирилади, бироқ, ушбу ерларда полиз экинларининг ҳосилдорлиги суғориладиган ерларга қараганда икки баробар пастдир.

Республикада асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек бир қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланади. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг асосий қисми (75,3-48,7%) деҳқон хўжалиги улушига тўғри келиб, улар ушбу тармоқда фермер хўжаликларига асосий рақобатчи ҳисобланади.

Хусусан, деҳқон хўжаликлари кичик ҳажмдаги ер участкаларида юқори сифатдаги, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар. Ишлаб чиқарилган картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг умумий ҳажмида фермер хўжаликлари улуши картошка бўйича 23,9%, сабзавот бўйича 35% ва полиз маҳсулотлари бўйича 49,6%ни ташкил этмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик юритиш шакллари улуши, (2014 й., %)

Маҳсулот турлари	Фермер хўжаликлари	Деҳқон хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
Картошка	23,9	75,3	0,8
Сабзавот	35,0	64,1	0,8
Полиз	49,6	48,7	1,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари республиканинг барча ҳудудларида етиштирилади, бироқ табиий-иқлим шароитлари ва тупроқ хусусиятлари турлича бўлганлиги сабабли муайян ҳудуд учун энг қулай маҳсулот турларини етиштиришга имкон беради. Сабзавот маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчилари Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари ҳисобланади. Республикада ишлаб чиқарилаётган сабзавот маҳсулотларнинг 58,3% ушбу вилоятлар улушига тўғри келмоқда. Бухоро, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларида сабзавотлар интенсив ҳолда ёпик

майдонларида етиштирилмоқда, ушбу вилоятларга республика бўйича ишлаб чиқарилган умумий ҳажмдан 89 фоизи тўғри келади. Сабзавотчиликка ихтисослашган вилоятларда (Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Сурхондарё вилоятлари) 2014 йилда аҳоли жон бошига сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичи 471,3 килограмм, қолган вилоятларда эса 225,5 килограммни ташкил этди.

Полиз маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳисобланади, бу вилоятларда 2014 йилда мос равишда 285,3 ва 236,7 минг тонна маҳсулот етиштирилди, яъни аҳоли жон бошига мос равишда 367,0 ва 189,3 килограммни ташкил этди. Бугунги кунда ўртача республика бўйича аҳоли жон бошига полиз экинларини ишлаб чиқариш 54,7 килограммни ташкил этди.

Республикада етарли ҳажмда ва юқори сифатли картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришга тўсиқ бўлаётган ва соҳа самарадорлигини оширишдаги вазифалар қуйидагилардан иборат:

– иқлим ва тупроқ шароитлари турли сабзавот ўсимликларини етиштириш имкониятини берса – да, экилаётган сабзавот экин турлари 20 дан ошмайди. сабзавотларнинг ассортиментини кенгайтириш аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжинигина эмас, балки мамлакатимизга келиб – кетаётган ва шу ерда истикомат қилаётган хорижликлар талабини ҳам қондиради, тармоқ салоҳиятини бойитади.

– муайян экин турига ихтисослашган хўжаликларнинг бўлмаслиги ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражаларини камайтириб, қўл кучига бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

– сабзавотчиликда юқори ҳосилли гетерозисли дурагайлاردан кенг фойдаланиш.

– органик ва минерал, азотли, фосфорли ва микробиологик ўғитлардан экин тури, тупроқ хоссалари ва режалаштирилган ҳосилга қараб фойдаланиш. калийли ўғитларни қўллаш.

– экинларни фақат эгатлаб суғориш усулидан эмас, янги прогрессив усуллардан (томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва ҳ.к.) фойдаланиш.

– технологияларни жорий этишдаги камчиликларни бартараф этиб, ишлаб чиқариш жараёни тадбирларини ўз вақтида ва сифатли бажариш. уруғларни экишга тайёрлашда илғор усулларни қўллаш.

– бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга табақалаштирилган усуллар асосида қарши кураш. уруғларни зарарлантириш ишларини етарли даражада ўтказиш.

– полиз экинларининг ҳар хил касалликлари, айниқса, қовунда фузариоз сўлиш касаллигининг кенг тарқалганлиги ва унга қарши самарали чораларни ишлаб чиқиш.

– полиз экинлари яхши ҳосил берадиган тоғ олди минтақаларидаги лалмикор ва адир ерлардан кенг фойдаланиш.

– ноёб қовун навлари майдонини кенгайтириб, дунё бозорига маҳсулот экспортини ошириш.

– экинларни асосий ва такрорий қилиб ўстиришда замонавий тежамкор техника, уруғ, ўғит ва самарали ҳимоя воситаларидан фойдаланишга эришиш.

Сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун мазкур тармоқларда сифат ўзгаришларини амалга ошириш керак. Бунинг учун интенсивлаштириш омиллари ёрдамида тупроқ унумдорлигини ошириш ва ўсимликларнинг агробиологик, маҳсулдорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш талаб этилади. Чунки, тупроқ – ўсимлик (нав, уруғ) – техника – кимё – мелиорация – ташкиллаштириш – инсон каби ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларини ягона яхлитликка келтириш энг олий омил ҳисобланади.

Ҳосил шаклланишини жадаллаштирувчи омилларни ишга солиш учун фан – техника томонидан замонавий технологиялар яратилиб ишлаб чиқаришга тавсия этилади. Натижада ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати ошади, ўсимлик ва иқлим шароитининг барча ижобий имкониятларидан фойдаланиш даражаси кўтарилади.

Ҳар қандай технология инсоннинг меҳнат унумдорлигини оширишга янги имкониятлар яратади, лекин амалиётда янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш осонлик билан кечмайди ва барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб этади.

2. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС КАРТОШКА, САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

2.1. КАРТОШКА

Картошка қишлоқ хўжалиги экинлари орасида муҳим ўринни эгаллайди. Дунё миқёсида ғалла, маккажўхори, шолидан кейинги ўринда туради ва иккинчи нон ҳисобланади.

Туганаклари таркибида 25 % қуруқ модда, шу жумладан 14-22 % крахмал, 1,4-3% оксил, 1 % га яқин клетчатка, 0,2-0,3% ёғ ва бошқа моддалар мавжуд.

Унинг таркибида юқори сифатли крахмал, оксиллар, витаминлар мавжудлиги инсон озуқи учун муҳимдир. Ундан Европа ошхоналарида 200 дан ортик таомлар тайёрланади. Картошка туганаги таркибида фосфор, олтингурут, калий, калций, темир, йод ва бошқалар мавжуд.

Ушбу моддалар инсон организмнинг ўсиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга. Картошка инсон организмидаги ферментларни активлаштиради ва моддалар алмашинувини яхшилади. Картошка иштаҳани очади, организмнинг биологик активлигини оширади. Картошкани йил давомида ҳар куни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Етиштириш технологияси. Картошка учун ажратилган майдонлар чуқур қилиб (35-40 см) шудгорланиши лозим.

Картошка учун энг яхши ўтмишдошлар бодринг, помидор, пиёз, ва полиз экинлари ҳисобланади. Картошка эрта баҳорда ва ёзги муддатларда экилади. Туганаклар экишдан олдин нишлатилади ва 70x25 см схемада 8-15 см чуқурликда экилади. Ҳар бир гектар майдонга ўртача 3 тонна туганак сарфланади.

Эртаги картошка баҳорги муддатда феврал ойининг биринчи ўн кунлигида, ёзги муддатда эса август ойининг биринчи ўн кунлигида экилади. Туганаклар тўлиқ униб чиққандан сўнг қатор ва ўсимлик ораларига ишлов берилади.

Картошкани экишдан олдин чириган гўнгни йиллик меъёри (25-30 т/га), фосфорнинг 75 % калийнинг 30 % берилади.

Эртаги картошка 8-10 мартаба суғорилади. Картошка салқин севар ўсимлик, шунинг учун суғоришни кечқурунлари амалга ошириш муҳим ҳисобланади.



Ҳаво ҳарорати 20-220С да туганаклар яхши етилади. Эртаги картошка май ойининг учинчи ўн кунлигида, ёзги муддатда экилганлари эса ноябр ойида қазиб олинади.

Навлари. Сантэ. Ўртапишар, серҳосил нав. Туганакларнинг ўртача вазни 80-100 г. шакли овалсимон, ранги сарғиш. Ҳосилдорлиги 23-25 т/га.



Романо. Ўртапишар, серҳосил нав. Туганакларнинг ранги қизил, шакли узунчоқ. Ҳосилдорлиги 20-23 т/га. Туганакларининг ўртача вазни 95-100 г.

Ликария. Ўртапишар, серҳосил нав. ҳосилдорлиги 23-26 т/га. Туганак шакли овалсимон, узунчоқ. Туганакларнинг ўртача вазни 85-105 г. Туганаклар ранги сарғиш.



Тўйимли. Ўрта кечки, иссиққа чидамли, туганаги сарик. Ҳосилдорлиги 22-24 т/га.

Ақраб. Кечки, иссиққа чидамли, туганак ранги қизил. Ҳосилдорлиги 22-23 т/га. Экиш муддати июл ойининг учинчи ўн кунлиги.

Умид. Ўрта эртаги, туганак ранги сарғиш, кўзчалари сиёҳ рангда, ҳосилдорлиги 22-25 т/га.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Картошканинг вирусли касалликларига қарши ридомил препарати билан ишлов берилади.

Колорадо кўнғизи туганакларни ва ўсимликларни зарарлайди. Унга қарши каратэ, сумми альфа, карбофос препаратлари билан ишлов берилади.

2.2. САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ

2.2.1. ПОМИДОР

Помидор иштаҳани очади, камқонлик ва атеросклероз касалликларига жуда фойдали. Унинг таркибидаги каротин ва ликопин моддалари одам танасининг меъёрда ўсиши ва ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Таркибидаги калий моддасининг кўплиги юрак мушакларини мустахкамлайди, танадаги ортиқча сувларни чиқариб юборишда, турли хил тери касалликларини даволашда жуда фойдалидир. Танада қон айланишини, овқат ҳазм қилишни мувофиқлаштиради.

Етиштириш технологияси. Помидор учун карам, сабзи, пиёз ва дуккакли ҳамда қовоқдошлар оиласига мансуб экинлар яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Помидор озуқага талабчан. У экиладиган даланинг гектарига 20-25 тонна чириган гўнг, 150 кг фосфорли ва 50 кг калийли ўғитлари аралаштирилиб шудгорлашдан аввал берилса яхши натижа беради. Кўчат олиш учун уруғлар иссиқхоналарга далага экишдан 55-60 кун илгари сепилади. Уруғлар сепишдан олдин 1 % ли марганцовкали эритмада 10 дақиқа ивителиб дезинфекцияланади. Уруғ сарфи 0,5 кг/га.

Жуда эртачи ва юқори ҳосил олиш учун вилоятимиз шароитида тоннел типидagi плёнкали қопламалар остида помидор етиштириш амалиётда кўп қўлланилади. Плёнкали қопламалар остида иссиқлик режимининг яхши бўлиши ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда қулай бўлади. Плёнкали қопламалар остида етиштириш учун уруғлар ноябр ойининг 1 ўн кунлигида, 1 м² майдонга 10-12 г сепилади. Кўчатлар 2 чинбарглигида 8x8 см схемада пикировка қилинади. Вилоятимиз шароитида кўчатлар плёнкали қопламалар остига феврал ойининг охири, март ойининг бошида кўчириб ўтказилади. Экиш схемаси 70x30 см. Ҳар бир плёнкали қоплама остига 2 қатор помидор жойлаштирилади.

Ўсимликларни парваришда доимий шамоллатиб туриш муҳим ўрин тутади. Чунки қуёшли кунларда плёнкали қопламалар остида ҳарорат + 50...+60° С дан ҳам ошиб кетади. Шунинг учун бутли кунларда икки бош қисми очилади, қуёшли кунларда эса ён томонларидан ҳам очилади. Кечкурун плёнкалар албатта ёпилиши лозим.

Тунги ҳарорат доимий +12...+13°С дан паст бўлмаган даврдан бошлаб плёнка бутунлай олиб ташланади. Бу асосан апрел ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Плёнкалар йиғиб олингач қатор ораларига ишлов берилади. Шундан сўнг гектарига 75 кг фосфорли, 50 кг калийли, 150 кг азотли ўғитлар берилиб суғорилади. Тупроқнинг намлиги тобига келгач иккинчи мартаба қатор ва ўсимлик оралари



юмшатилади ва гектарига 75 кг фосфорли, 150 кг азотли ўғитлар билан озиклантирилади ва суғорилади. Кейинги агротехник тадбирлар хар ҳафтада суғориш, ўсимликларни қайтаришдан иборатдир.

Плёнкали қопламалар остида помидор етиштирганда апрел ойининг охиридан бошлаб ҳосилни йиғишга киришилади.

Очиқ далада помидор етиштириш учун уруғлар кўчатхонага 10-15 февралда плёнка остига сепилади. Уруғлар ёппасига униб чиққандан сўнг шамоллатиб турилади. Кўчатлар экишдан 15 кун илгари 10л сувга 40г фосфорли, 30г азотли ўғитлар аралашмаси билан озиклантирилади.

Вилоятимиз шароитида очиқ далага помидор кўчатлари 6-8 чинбарглигида 1-10 апрелда ўтқазилади. Экиш схемаси 70 x 30 ёки 90 x 25 см. Кўчатлар сони гектарига 44- 47 минг донани ташкил этади.

Помидор органик ва минерал ўғитларга талабчан. Шунинг учун унумдор ерларга экилади. Тадқиқотлар кўрсатишича 28.0-30.0т/га ҳосил олиш учун ерга 20.0т/га гўнг ва қуйидаги нисбатда: N 180-200кг, P 140-150, K 100 (соф модда ҳисобида) минерал ўғитлар солиб озиклантирилади.

Помидор экиладиган дала кузда органик ва минерал ўғитлар: гектарига 20-25 тонна гўнг 110кг суперфосфат, 75кг калий солиб, 30-35см чуқурликда ҳайдалади.

Амал даврида бегона ўтлардан тозалаш ва ерни юмшатиш учун қатор ораси культивация ҳамда 1-2 маротаба чопиқ қилинади. Помидор ривожланиш давомида икки маротаба минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Буни албатта ерни шудгорлаш вақтида солинган ўғитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Биринчи озиклантириш ўсимликлар гунчалаш даврида бажарилади ва 1 га майдонга 40кг суперфосфат, 25 кг калий, 100 кг азотли ўғитлар сарфланади. Иккинчи озиклантириш ўсимликлар ёппасига мева тугиш даврида амалга оширилади ва 20 кг суперфосфат, 100 кг азотли ўғитлар сарфланади. Помидор амал даври давомида 15-16 маротаба суғорилади. Бунда суғориш нормаси 600-700 м³/га ни ташкил этади. Айниқса ёппасига мева тугиш даврида қондириб суғориш юкори ҳосилдорликни таъминлайди.


Очиқ далага экилган помидор ҳосилини териб олиш эртапишар навларда июннинг боши, ўртапишар навларда июннинг охири, июл ойининг бошида амалга оширилади.

Помидор ҳосили амал даври давомида 8-12 мартабагача терилади. Терим оралиғи 3-5 кунни ташкил этади. Ҳосилни ўз вақтида териб олмаслик мева таркибидаги витаминларнинг йўқолиши, ҳосилдорликнинг пасайиши ва меваларнинг исроф бўлишига олиб келади. Узоқ масофаларга жўнатиш учун мўлжалланган мевалар сариқ кўнғир тусга кирганда терилади.

Навлари. Дўстлик. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг пишиб бошлашигача 95-99 кун талаб этилади. Жуда эртачи ҳосил



олиш учун плёнка остида ва очик далаларда экиш учун тавсия этилади. Ўсимлиги штамбсимон, детерминант, яхши баргланган. Меваси юмалоқ, қаттиқ, усти силлик, ранги тўқ қизил, ўртача вазни 80-90 г. Мева таркибида 4,8% қуруқ модда мавжуд. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га. Мевалари янгилигича истеъмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган.



Сурхон-142. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Ўртапишар, амал даври 110-115 кун. Ўсимлиги штамбсимон, кучли баргланган, картошка баргли. Мевасининг ўртача вазни 120-130 г. Бўртма нематодасига ва иссиқликка чидамли. Ҳосилдорлиги 55,0-60,0 т/га. Мевалари

янгилигича истеъмол қилишга ва қайта ишлашга мўлжалланган.

ТМК-22. Ўртапишар. У амал даври 125 кун. Ўсимлик буйи 70 см. барги оддий типда. Мева шакли юмалоқ, тўқ-қизил рангда, вазни 120 г., қаттиқлиги 4,5 балл, транспортбop. Ҳосилдорлиги 40-45 т/га.



Сахий. Ўрта эртапишар нав, кўчатлар ёппасига униб чиққандан дастлабки мевалар пишишигача 100-105 кун керак бўлади. Ўсимлиги паст бўйли, оддий, детерминант типда бўлиб, ўртача баргланган. Меваларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мевасининг шакли узунчоқ, узунлиги 10-12 см, вазни 70-80 г. гача, қаттиқ, бандсиз узилади. Мевалари бутунлигича консервалаш, узоққа ташиш ва куритишга мўлжалланган. Мевалари бир пайтда пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 45-50 т/га.



ДОНИ 2000. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Кечпишар нав, амал даври 118-122 кунни ташкил этади. Ўсимлиги оддий, детерминант типда бўлиб, жуда сербарг. Меваси ноксимон, ўртача вазни 55-60 г, ўта қаттиқ, узоққа ташишга бардошли.

Бўртма нематодасига ўта чидамли. Ҳосилдорлиги гектаридан 45,0-50,0 т/га. Мевалари транспортда узоққа ташишга ва бутунлигича консервалашга мўлжалланган.

ИСТИКЛОЛ – 10. Ўртапишар нав, кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг дастлабки пишишгача бўлган давр 113-115 кун. Ўсимлиги детерминант, оддий типда бўлиб, ўртача баргланган. Меваси юмалоқ, тўқ қизил, қаттиқ, вазни 120-140 г. Янгилигича истеъмолга, қайта ишлашга ва транспортда узоққа ташишга мўлжалланган. Ҳосилдорлиги 45,0-50,0 т/га.

Бундан ташқари Узмаш 1 ва ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган Заковат, Бакалавр, Суғдиёна ва Тарамата навларини очиқ майдонларга экиш тавсия этилади.

Иссиқхоналарда кузги-қишки мавсумда помидор етиштириш. Ушбу мақсадда помидор уруғлари август ойининг охири ва сентябрда сепилади. Кўчатлар тувакчаларда етиштирилади ва октябр ойида доимий жойга кўчириб ўтказилади. Қишки-баҳорги мавсумда ноябр ойининг 1- ўн кунлигида уруғлар сепилади ва январ ойининг 1- ўн кунлигида доимий жойга кўчириб ўтказилади.

Плёнкали иссиқхоналарда помидор ўсимликларини нормал ривожланиши озука майдонининг катта-кичиклиги, навнинг хусусияти ва етиштириладиган шароитга боғлиқдир. Экиш схемаси 80x40см.

Ўсув даврида тупни бир, икки новдали қилиб шакл берилади, ҳар бир новдада 6-8 тадан гулшода колдирилади. Ўсимликлардаги бачкилар 3-5см бўлганда уларни доимо олиб ташлаш лозим

Плёнкали иссиқхоналарда помидор учун керакли бўлган шароитни яратиш жуда муҳимдир. Хавонинг нисбий намлиги 60-65 фоиздан ошмаслиги керак. Намлик кўрсатилган меъёрдан ошиб, 70-75 фоизга етиши иссиқхонада қўнғир доғланиш (кладоспориоз), кулранг чириш ва фитофтороз касалликлари ривожланиши учун шароит яратади. Помидор учун ҳаво ҳарорати ҳаво очиқ кунларда 26оС, булутли кунларда 22-24оС ва кечалари эса 18 оС атрофида бўлиши лозим. Помидор ўсимликларини парваришлашда уларни шамоллатишга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади, яъни юқоридан шамоллатиш билан бирга ён атрофларидан ҳам шамол бериш керак.

Ҳаво булутли кунларда ялписига касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳаво намлигини камайтириш керак. Бунинг учун иссиқхона бир йўла ҳам шамоллатилади, ҳам иситилади.

Ҳаво алмашинувини яхшилаш учун меваларнинг пишиши бошланиш даврида ўсимликлардаги биринчи (гулшодаси) пастидаги барги олиб ташланади (1 ҳафтада 2-3 донадан). Бу тадбир эрталаб бажарилади ва кейин иссиқхона яхшилаб шамоллатилади.

Намлик меъеридан кўпайиб кетиши ўсимлик гуллари, мевалари тўкилишига, мевалари ёрилиб кетиши, учидан чириш касаллиги пайдо бўлишига олиб келади. Мева таркибидаги кальций миқдори 0,7 фоиздан камайиб кетса, ушбу ҳолат кучаяди.

Ноқулай об-ҳаво ёки тупроқ шароитларида озика моддаларини ўзлаштирилиши, илдиздан ташқари озиклантириш орқали тўлдириб борилади.

Помидорнинг эртаги экиш муддатларида ёруғлик етишмаслиги ва намлик кўпайиб кетиши оқибатида унинг гуллари чангланиши қийинлашади, чунки унинг гулдони очилмайди, шунинг учун Ту, Бизон ва бошқа ўстирувчи моддалар билан ишлов берилиши тавсия этилади.

Нав ва дурагайлар. F1: Белле. Ойнаванд ва плёнкали иссиқхоналар учун мўлжалланган жуда гўштли, эртапишар индетерминант типдаги дурагай. Мевасининг вазни 180-200 грамм, шакли юмалоқ, қаттиқ, ранги кизил. Ушбу дурагай транспортбоп воситаларида ташишга яроқли ва узоқ муддатга сақлашга чидамли ҳисобланади.

F1Элпид. Ривожланиш жараёни тез, доимий равишда мева тугувчи дурагай. Ўсимлиги бақувват, гул шодаси бир- бирига яқин



бўлиб ҳар бир гул шодасида 5-6 та мева тугади ва 16 та гул шодасига-ча ҳосил беради. Мевасининг шакли бир хил юмалоқ, қизил рангда, вазни йирик 200-220 граммни ташкил этади. Мевалари бутун мавсум давомида ўз шаклини сақлаб қолади. Ёз-қуз ва қиш-баҳор мавсумларида экиш учун тавсия этилади.

F1 Халай 344. Кучли ўсувчи эртапишар дурагай. Мевасининг шакли юмалоқ, қизил рангда бўлиб, вазни 160-180 граммгача етади. Меваси ёрилишга жуда чидамли бўлиб, узоқ масофаларга ташишга яроқли ҳисобланади.

Бундан ташқари: F1 Аламбра, Видетта, Дон Хосе, Буран, Челбас, Алькасар, Добрунь ва бошқалар тавсия этилади.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Занг кана. Курук субтропикларда помидорнинг энг хавфли зараркунандаси ҳисобланади. Ҳамма ер устки қисмини зарарлайди. Зарарланиш поянинг пастки қисмидан бошланади. Бутун ўсимлик каналар билан қопланади, хлорофилл емирилади ва ўсимлик зангсимон тусга киради. Меваларнинг пўстлоғи дагаллашади. Энг пастки барглاردан бошлаб курий бошлайди. Ўсимлик ўсиш ва ривожланишдан тўхтайтиди ва нобуд бўлади.

Ўргимчаккана. Очиқ далаларда ва химояланган тупрокда бодрингни энг хавфли зараркунандаси бўлиб ҳисобланади. Кана ўсимлик ширасини сўриб катта зарар келтиради ва ўсимликни нобуд қилиши мумкин.

Қарши кураш. Қарши кураш чораларидан бири- алмашлаб экиш ва бегона ўтларни йукотишдир. Зараркунанда пайдо бўлиши билан 50 % ли карбофос (0,6-1,2 кг/га), 57 % ли омайт (1,5 л/га) билан ишлов бериш керак. Зараркунанда пайдо бўлгандан ўсимликларга 50 % ли неорон (1,0-1,2 л/га), 50 % ли карбофос (2,4-3,6 л/га), олтингугурт кукуни (20 кг/га) билан ишлов берилиши лозим. Охирги ишлов меваларни теришдан 20 кун олдин амалга оширилиши керак.

Кўк ва кўсак қурти тўлами. Кўк қурт пояларни кемиради ва меваларни ерга тегиб турган қисмини зарарлайди. Кўсак қурти асосан меваларни кемиради, натижада улар чирийди ва сифати пасаяди.

Қарши кураш. Суғориш ва ўз вақтида кузги шудгорлаш бошка агротехник тадбирлар билан бир қаторда қишлайдиган куртларга қарши курашда катта рол ўйнайди. Помидор экилган далаларда кўк куртга қарши 1,5% децис билан 0,25-0,5 л/га ишлов бериш яхши са-

мара беради. Катта ёшдаги куртлар учун кунжарали заҳарли ем тавсия этилади.

Кейинги йилларда курашнинг биологик услуги кенг қўлланилмоқда. Бу зараркунанданинг тухумига қарши трихограмма, хабрабракон кенг қўлланилмоқда.

Шира битлари. Асосан баргларнинг пастки қисмида ривожланади ва калин қолониялар ҳосил қилади. Ширалар ўсимлик ширасини сўради, барглар бужмайиб қолади. Ширалар бошка касалликларни таркатиши билан ҳам зарар келтиради.

Қарши кураш. Бегона ўтларни йўқотиш. Зараркунанда бор жойларида ўсимликларга 50 % ли карбофос (0,4-2,4 л/га) билан ишлов бериш лозим. Бундан ташқари ўсимликлар амал даврида 10 % ли донитол (2/га) билан ишлов бериш яхши самара беради. Препаратлар билан ишлов бериш ҳосилни йиғишдан 20 кун олдин тўхтатилиши лозим.

2.2.2. ШИРИН ҚАЛАМПИР

Ширин қалампирдан қадимдан жигар, сийдик йўллари касалликларини даволашда фойдаланилган. У иштахани очади. Инсон организмида моддалар алмашинувини яхшилайти. Уни истеъмол қилиш кам дармонлик ва камқонли инсонлар учун жуда фойдали. Таркибидаги С ва А витаминлари инсон организмни юқумли касалликларга чидамлилигини оширади. РР витамини эса қон босимини пасайтиради. Ширин қалампир кучли нурланган инсонларга яхши фойда беради.

Етиштириш технологияси. Ширин қалампир экини учун карам, илдимевалилар, поллиз экинлари, пиёз яхши ўтмишдош ҳисобланади. Ширин қалампир очиқ майдонларда ва шунингдек плёнкали қопламалар остида ва иссиқхоналарда етиштирилади. Плёнкали қопламалар остида етиштириш учун уруғлар октябр ойининг охири, ноябр ойининг 1-ўн кунлигида иситиладиган иссиқхоналарга сепилади. Кўчатлар плёнка остига феврал ойининг охири март ойининг бошларида кўчириб ўтказилади. Экиш схемаси 60x30 см. Кўчатлар тўлиқ ўзини ўнглаб олгандан сўнг плёнкали қопламалар очилади ва тупроқнинг нами меъёрига келтирилади. Тупроқ нами меъёрига етгач эгат ҳамда ўсимлик ораликларига ишлов берилади ва минерал



Ўғитлар билан озиклантирилади, суғорилади. Плёнкали-қопламалар очилиб вақти-вақти билан шамоллатиб турилади. Ҳаво қизиқ бошлагач, яъни апрел ойининг бошларида плёнкалар олиб ташланади. Бу усулда етиштирилганда мевалар апрел ойининг охири, май ойининг бошларида техник пишиб етилади.

Ширин қалампирни очик майдонларда етиштириш учун уруғлар феврал ойининг бошларида сепилади. Кўчатлар апрел ойининг биринчи ўн кунлигида очик далага ўтказилади. Экиш схемаси 60 x 30 см, 70x25 см, 90x25 см.

Ўсув даврида эгат ва ўсимлик ораликларига 2 маротаба ишлов бериб, 2 маротаба минерал ўғит билан озиклантирилади. Биринчи озиклантиришда соф модда ҳисобида гектарига 150 кг суперфосфат, 50 кг калий хлор, ва 150 кг азотли ўғитлар, иккинчи маротаба 100 кг суперфосфат, 200 кг азотли ўғитлар сарфланади. Ёзнинг иссиқ вақтларида ширин қалампирни кечаси суғориш мақсадга мувофиқдир. Ўсув даврида 10-12 маротаба гектарига оз миқдорда 400-500 м³ сув сарфланиб сувланади. Ширин қалампир мевалари техник пишиб етилганда ҳар 5-6 кунда бир маротаба терилади.

Навлари. *Наргуза.* ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган эртапишар нав, амал даври 108 кун. Ўсимлиги штабсимон, паст бўйли. Нав эрта ва юқори ҳосил олиш учун плёнкали қопламалар остида ва очик далаларга экилади. Мевалари конуссимон, ўсимликда пастга қараб жойлашган, ранги оч яшил, ўртача вазни 50-55 г. Ҳосилдорлиги 45-46 т/га.



Тонг. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан дастлабки меваларнинг техник пишишигача 105-107 кун талаб этилади. Жуда эрта ҳосил олиш учун плёнкали қопламалар остида етиштириш учун тавсия этилади. Ўсимлиги штабсимон, яхши баргланган, баландлиги 50 см. Мевалари ўсимликда юқорига қараб жойлашган, шакли пирамидасимон, техник пишганда ранги оч яшил, биологик пишганд очик қизил. Меваларнинг ўртача вазни 60 г. умумий ҳосилдорлиги 48 т/га, эртачи ҳосилдорлиги 25 т/га.



F1Жайхун. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Эртапишар кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг дастлабки техник пишишигача бўлган давр 113 кун. Нав плёнкали қопламалар остида ва очик далаларга экиш учун тавсия этилади.



Меваси қонуссимон, ўсимликлар пастга қараган, ранги оч яшил, ўртача вазни 55 г. Ҳосилдорлиги 61.5 т/га.

Дар Ташкента. Ўртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг техник пишишигача бўлган давр 115 кун. Ўсимлиги штамбсимон, ўрта бўйли. Мевалари қонуссимон, пастга қараган, техник пишганда оч яшил, биологик пишганда оч-қизил рангда. Меваларнинг ўртача вазни 75-80 г. Ҳосилдорлик 35 т/га.

Заря востока. Кечпишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг техник пишиб етилишигача бўлган давр 150 кунни ташкил этади. Меваси пастга қараган. Мева вазни 80-100 г. Ҳосилдорлиги 38 т/га.



Зумрад. Кечпишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан меваларнинг техник пишиб етилишигача бўлган давр 160 кун. Меваси пастга қараган, вазни 80-120 г. Ҳосилдорлиги 35 т/га.

Касаллик, зараркунандалар ва уларга қарши кураш. Фузариоз ва вертициллез сўлиш касаллиги. Булар ҳам замбуруғ касалликлари бўлиб, улар билан касалланган ўсимликларнинг барглари сарғайиб ўсимлик куриб бошлайди. Уларга қарши кураш чоралари алмашлаб экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтқазиб меъёрида яъни захлатмасдан сувлаш ва ёзнинг иссиқ кунларида тунда суғориш кабилардир.

Шира битлари. Баргларнинг пастки қисмида ривожланади. Зарарланган ўсимликларнинг барглари бужмайиб қолади. Ширалар ҳар хил касалликларни тарқатиши мумкин.



Уларга қарши кураш чораларига агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтқазиб, ўсимликларни карбофос, донитол, каратэ, моспи-лан препаратлари билан ишлов бериш кабилар киради.

2.2.3. БАҚЛАЖОН

Абу-Али Ибн Сино бақлажондан турли хил касалликларни даво-лашда фойдаланишни тавсия этган.

Бақлажон қондаги холестеринни камайтиради. Қон айланишини меъёрлаштириб, юрак фаолиятини яхшилайти. Турли хил бактерия-ларни ҳалок қилади. Ундан атеросклероз ва камқонликни даволашда фойдаланади. Меваси, барги ва новдаларидан тайёрланган бўтқалар экзема, тери касалликлари ва фурункулезни даволаш учун суркалади.

Етиштириш технологияси. Пиёз ва бодринг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бақлажон ўсимлигини помидор, ширин қалампир, кар-тошка экинларидан бўшаган ерларга экиш тавсия этилмайди.

Бақлажон секин ўсиши ва иссиққа талабчанлиги юқори бўлганлиги учун уни етиштиришда кўчат тайёрлаш усулидан фойда-ланилади. Уруғлар кўчатларни далага ўтқазилдан 55-60 кун илгари иссиқхона ёки парникларга сепилади.

Плёнкали қопламалар остида эртаги бақлажон етиштиришда уруғлар октябр ойининг охири, ноябр ойининг биринчи ўн кунли-гида иситиладиган иссиқхонага сепилади. Кўчатлар феврал ойининг иккинчи ярми, март ойининг биринчи ўн кунлигида плёнкалар остига кўчириб ўтқазилади. Экиш схемаси 60x30 см. Кўчатлар тўлиқ ўзини ўнглаб олгандан сўнг плёнкали қопламалар очилиб шамоллатилади ва тупроқ намлиги меъёрига келтирилади. Тупроқ намлиги меъёрига етгач, ўсимликлар орасига ишлов берилади ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантирилади ва суғорилади. Вақти-вақти билан плёнкалар очиб шамоллатилади. Апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида плёнка-лар олиб ташланади.

Вилоятимиз шароитида очиқ далада бақлажон етиштириш учун уруғлар феврал ойининг биринчи ўн кунлигида плёнкалар остига се-пилади. Кўчатлар очиқ далага апрелнинг биринчи ўн кунлигида олиб ўтқазилади. Экиш схемаси 70x30 см, 90x25 см. Уруғ сарфи 0,6 кг/га. Кўчатлар сони гектарига 45000 дона.

Бақлажон кўчатларининг буйи 12-13 см ва 5-7 та чин барг чиқарган даврда кўчириб ўтқазиб яхши натижа беради.



Бақлажон етиштириладиган далаларга гектарига 25-30 тонна гўнг ва 200 кг азот, 150 кг фосфор, 100 кг калий (соф модда ҳисобида) минерал ўғитлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Навлари. *Аврора.* Ўртапишар. Амал даври 115 кун, Ўсимлик тик ўсувчи, бўйи 100 см. Мевасининг шакли цилиндрсимон, ранги бинафша, ташки кўриниши силлик ялтирок. Меваларнинг ўртача вазни 190 г. Ҳосилдорлиги 45 т/га.



Сурхон гўзали. Эртапишар, амал даври 95-100 кунни ташкил этади. Ўсимлик бўйи 75 см, сербарг. Мевасининг шакли цилиндрсимон, ташки кўриниши қора бинафша, силлиқ ялтирок.



Эртачи ва юқори ҳосил олиш мақсадида плёнкали қопламалар остида ҳамда очик майдонларда етиштириш учун мўлжалланган навдир. Меваларининг ўртача вазни 150-180 г.

Ҳосилдорлиги 45-50 т/га, шу жумладан эрганги ҳосилдорлиги 25 т/га.

F1Замин дурагайи. Эртапишар. Амал даври 90-95 кунни ташкил этади. Ўсимлик ярим тарвақай типда, бўйи 80 см, сербарг. Мевасининг шакли овалсимон цилиндрик, ташки кўриниши қора бинафша, силлиқ ялтирок. Меванинг асоси тикансиз, вазни 200 г. Ҳосилдорлиги 90-95 т/га. Эрганги ҳосилдорлиги 28-30 т/га.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш.
Қорасон касали. Бу касалликни тупроқ замбуруғлари: ризоктония (*Rhizoctonia puthium*) келтириб чиқаради. Касаллик бақлажонни кўчатлик пайтида кўпроқ зарарлайди. Касалликнинг пайдо булишида уруғлар қалин сепилиб, кўчатлар яхши шамоллатилмай қолганда, кўчатхонада ҳаво ва тупроқ намлиги 70 % дан юқори бўлишлиги сабаб бўлади.

Қарши кураш. Кўчатхонада уруғларни меъёрида сепиш, тупроқ ва ҳаво намлигини пасайтириш, ўз вақтида шамоллатиш. Кўчатхонада уруғ сепишда тоза тупроқдан фойдаланиш ва алмаш-



лаб экиш. Ўргимчаккана. Очiq далаларда ва химояланган тупроқда бақлажоннинг энг хавфли зараркунандаси бўлиб ҳисобланади. Кана ўсимлик ширасини сўриб катта зарар келтиради ва ўсимликни нобуд қилиши мумкин.

Қарши қураш. Бегона ўтларни йўқотиш. Зараркунанда пайдо бўлиши билан 50 % ли карбофос (0,6-1,2 кг/га), 57 % ли омайт (1,5 л/га), 50 % ли неорон (1,0-1,2 л/га), 50 % ли карбофос (2,4-3,6 л/га) ва олтингугурт кукуни (20 кг/га) билан ишлов берилиши лозим. Охирги ишлов меваларни теришдан 20 кун олдин амалга оширилиши лозим.

2.2.4. ОҚБОШ КАРАМ

Оқбош карам қадимги халқ, таботатида даволовчи восита сифатида юқори баҳоланган. Римликлар ошқозон ярасини, греклар эса уйқусизликни даволашда ундан фойдаланганлар. Оқбош карам тери касалликларини, қолит, кардиосклероз, энтерий, бош оғриғи, бавосил касалликларини даволашда яхши самара беради. Янги ва тузланган карам овқат ҳазм қилишни яхшилайти, организмдан холестерин моддасини чиқаришга ёрдам беради. Карам цинг ва шамоллашга қарши яхши восита бўлиб, сийдик ҳайдашга ҳам ёрдам беради. Унинг таркибида У витамини мавжуд бўлиб (лотинча Улкус, яъни яра маъносини билдиради) у ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасини даволашда ишлатилади. Унинг таркибидаги тортр кислотаси инсонни ортиқча семизликдан сақлайди, калий моддаси эса организмдаги ошиқча сув ва натрий тузларини чиқаради. Бу эса ўз навбатида юрак касалликлари билан оғриган беморларга ижобий таъсир этади. Оқбош карамни кўпроқ истеъмол қилиш овқат ҳазм қилиш органларидаги рак касалликларни олдини олади.

Етиштириш технологияси. Оқбош карам учун беда, картошка, помидор, бодринг ва полиз экинлари яхши ўтмишдош. Оқбош карамни плёнкали қопламалар остида етиштириш учун эртапишар нав ва дурагай уруғлари ноябр ойининг биринчи ўн кунлигида плёнка қопламали кўчатхоналарга сепилади.

Уларни бу муддатдан эртароқ экиш гуллаб кетадиган ўсимликлар сонини кўпайишига олиб келади. Уруғлар кечроқ экилганда карамбоши кечроқ пишиб етилади ва эртанги ҳосилни камайишига олиб келади. 1 м² ерга 5-7 г. уруғ сепилади. 1 гектарга кўчат тайёрлаш учун



300 г. уруғ сарфланади. Кўчатлар униб чиқишигача ҳарорат 19...20° С атрофида бўлиши керак. Кўчатлар ёппасига униб чиққандан биринчи чин барг пайдо бўлгунча ҳарорат 6...8°С даражада бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундан кейин ҳарорат 15... 17°С атрофида ушлаб турилади.

Кўчатлар 4-5 барг ҳосил қилганда кўчириб ўтказишга тайёр бўлади. Улар декабр ойининг I-ўн кунлигида плёнкали қопламалар остига кўчириб ўтқазилади. Экиш схемаси 60x30 см, 70x25 см. Кўчатлар ўтқазилгандан сўнг устига плёнка тортилади ва суғорилади. Кўчириб ўтқазилгандан 6-9 кун утгач, плёнкалар чет қисмидан очиқлиб, кўчатлар шамоллатилади. Карам экишда ер кузда тайёрланади. Экишдан олдин чириган гўнгни йиллик меъёри (25-30 т/га), фосфорнинг 75 % (105 кг), калийнинг 50% (37-39 кг) берилади. Фосфорнинг 25% (45 кг), калийнинг 50% (37 кг) ва азотнинг 20 % (40 кг) кўчатларни кўчириб ўтқазилгандан олдин берилади. Азотнинг қолган қисми ўсимликлар карамбош ҳосил кила бошлаганда 2 маротаба бўлиб берилади. Эртанги карам 500-550 м3/га меъёр билан 5-6 маротаба суғорилади.

Қатор ва ўсимлик ораларига 3-4 маротаба ишлов берилади ва чопиқ қилинади. Бу тадбир карам ўсимлиги учун нихоятда зарур бўлиб, у ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини яхшилайти.

Плёнкали қопламалар остида етиштирилган карам ҳосили март ойининг охири ва апрел ойида йиғиб олинади.

Очиқ майдонларга экиш учун эртанги карам уруғлари декабр ойининг 5-15 саналарида плёнка қопламали кўчатхоналарга сепилади ва кўчатлар очиқ майдонларга феврал ойининг биринчи ўн кунлигида экилади. Очиқ майдонларга экилган эртачи карам ҳосили май ойининг биринчи ўн кунлигидан техник пишиб етилади.

Ўртачи муддатларда экиш учун оқбош карам уруғлари март ойининг бошларидан апрел ойининг ўрталаригача, кечки муддатларда экиш учун эса май ойининг ўрталаридан июн ойининг биринчи ўн кунлигигача сепилади.

Кўчатлар 35-40 кунлигида далага ўтқазилади. Бу муддатларда экилган карам кўчатлари эртанги муддатда экилгандек ишлов берилади ва озиклантирилади.

Ўрта ва кечки муддатда экилган карамни озиклантиришда берилдиган минерал ўғитлар меъёри 1,5 баробарга оширилади. Ўсув дав-



рида 6-8 маротаба 600-700 м3/га меъёрда сувланади. Карамбошлар ўрта муддатда экилганда июн ойининг ўрталаридан сентябр ойининг ўрталаригача, кечки муддатда экилганда эса октябр-ноябр ойларида техник пишиб етилади.

Навлари. F1Резистор. Эртапишар, серҳосил дурагай. Ҳосилдорлиги 51 т/га, эртанги ҳосили 37 т/га, Карамбоши 1,1 кг, шакли юмалоқ, қаттиқлиги 4,5 балл, ёрилишга чидамли. Ҳосили бир пайтда пишиб етилади.

F1Балбро. Эртапишар, Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига 2008 йилдан киритилган. Плёнка остида етиштиришга тавсия этилади. Ҳосилдорлиги 60,5 т/га. Эртанги ҳосили 34,2 т/га. Карамбоши вазни 1,1 кг, шакли юмалоқ, қаттиқлиги 5 балл, ёрилишга чидамли, транспортбоплиги жуда юқори.

F1 Боурбон. Эртапишар, 2007 йилдан Давлат реестрига киритилган. Ҳосилдорлиги 49,2 т/га. Эртачи ҳосили 27,8 т/га. Карамбоши вазни 0,8-1,1 кг, шакли юмалоқ, қаттиқ, транспортбоплиги юқори.

Термиз-2500. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Ўртапишар, уруғлар униб чиқишидан карамбошларнинг техник пишиб етилишигача бўлган давр 105-110 кунни ташкил этади. Карамбошнинг ўртача вазни 2,5 кг, шакли юмалоқ, қаттиқлиги 4,5 балл, ёрилишга чидамли. Ҳосилдорлиги 45 т/га. Ўрта ва кечки муддатларга экишга мўлжалланган.



Тошкент-10. Ўртапишар, уруғлар униб чиқишидан карамбошларнинг техник пишиб етилишигача бўлган давр 120-130 кунни ташкил этади. Карамбошнинг ўртача вазни 2,5-2,8 кг, шакли ясси юмалоқ, қаттиқлиги 5 балл. Ёрилишга чидамли. Ҳосилдорлиги 45-48 т/га. Кечки муддатда экишга тавсия этилади.

Судя Узбекский. Ўртакечки нав, уруғлар униб чиқишидан карамбошларнинг техник пишиб етилишигача бўлган давр 140-150 кун. Карамбошининг ўртача вазни 3,0-3,2



кг, шакли ясси юмалок, қаттиқлиги 5 балл, ёрилишга чидамли. Ҳосилдорлиги 50 т/га. Кечки муддатда экишга тавсия этилади.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Қорасон касаллиги. Асосан кўчатни зарарлайди. Кўчат илдиз бўғзидан қораяди, ингичкалашади, ўсимлик сўлийди, илдиз бўғзи чириб ўсимлик нобуд бўлади.

Ўсимликдан ўсимликка юкиб, тез тарқалади. Кўчатлар қалин бўлганда, намлик ошиб кетганда ва кўчатхоналар етарлича шамоллатилмаганда тез ривожланади.

Қарши кураш. Уруғларга иссиқлик билан ишлов бериш, кўчатлар ёппасига униб чиққач, кўчатхоналарни шамоллатиш, касалланган ўсимликларни олиб ташлаш, касаллик тарқалган жойни 1 % ли бордо суюқлиги билан 1 л/м² меъёрда ишлов бериш.

Карам шираси. Ўсимликнинг ер усти қисмини зарарлайди ва барглاردан ўсимлик ширасини сўриб олади. Касалланган барглари рангсизланиб, бужмайиб қолади. Кучли зарарланганда карамбоши умуман ҳосил бўлмайди ёки жуда майда бўлиб, товарбоп бўлмайди. Уруғлик ўсимликлардан олинган уруғлар сифати жуда паст бўлади.

Қарши кураш. Ўсимликларга 55% ли нурелл-Д, 50 %- ли карбофос (0,6-1,0 л/га), бульдок (0,6 л/га) препаратлари билан ишлов бериш. Охириги ишлов ҳосилни йиғишдан 40 кун олдин берилади.

2.2.5. БОДРИНГ

Бодринг организмдан холестеринни чиқаради. Атеросклероз, жигар касалликларини даволашда, сийдик ҳайдаш ва иситмани туширишда фойдали. Гўшт, мой, тухум ва нон маҳсулотларидаги зарарли моддаларни нейтраллаштириб улардаги оксилни организм томонидан тўла ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Унинг шарбати подагра, юрак касалликларига, сув чечакда, тиш касалликларида, яраларни даволашда тавсия этилади.

Етиштириш технологияси. Бодринг экини учун карам, дуккали экинлар, помидор, картошка яхши ўтмишдошлар ҳисобланади. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида бодринг плёнкали иссиқхоналарда, плёнкали қопламалар остида ва очиқ майдонларда етиштирилади.

Плёнкали қопламалар остида етиштириш учун ундирилган уруғлар тувакчаларга январ ойининг II ва феврал ойининг I-ўн кун-



лигида экилади. Кўчатларни плёнкали қопламалар остига феврал ойининг III ва март ойининг I- ўн кунлигида ўтказилади.

Вилятимиз шароитида бодринг уруғлари очиқ майдонларга эртачи муддатда 1-15 апрелда, ўртачи муддатларда 1-30 майда экилади.

Уруғлар 90x30 см схемада, 3-4 см чуқурликда экилади.

Уруғ сарфи гектарига 3-4 кг. Ҳосил терим давригача қатор ва ўсимлик оралари икки марта юмшатилиб озиклантирилади.

Бодрингни озиклантириш мақсадида гектарига 30-40 т. гўнг, соф модда ҳисобида 150-200 кг азот, 150 кг фосфор, 75 кг калий солиш тавсия этилади.

Йиллик меъёрига нисбатан фосфорли ўғитларни 70-75 фоизи, калийнинг ҳаммаси кузги шудгорлашда, фосфорнинг қолган қисми ва азотнинг 20 фоизи экиш вақтида берилади. Азотнинг қолган қисми 2 га бўлиниб, бир қисми ўсимликлар 2-3 чинбарг пайдо қилганда, бир қисми мева тугиш даврида берилади.

Бодринг ҳаммаси бўлиб 12-16 мартаба 400-500 м³/га меъёрида суғорилади. Ҳосил ҳар 2-3 кунда терилади.

Навлари. Ранний 645. Палаги ўртача катталиқда. Баргланиши ва шохланиши ўртача, барги беш қиррали, ўрта қисми бироз чўзик, ўртача катталиқда. Мева шакли цилиндрсимон, узунлиги 9-11 см, диаметри 4,0-4,5 см, ранги тўқ яшил, юзаси силлик. Ҳосилдорлиги 15 т/га. Мева вазни 115 г. Амал даври 55-60 кун.

Маргеланский 822. Палаги узун, сербарг, шохланиши ўртача, мева шакли цилиндрсимон. Узунлиги 15-16 см, диаметри 4,0-6,0 см, юзаси силлик, тўқ яшил. Ҳосилдорлиги 20 т/га. Мевасининг вазни 135 г. Амал даври 85-90 кун.



Навруз нави. Эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан биринчи теримгача 40-45 кун талаб этилади. Эрта, ўрта ва кечки муддатларда экишга тавсия этилади. Бу нав плёнкали қопламалар остида етиштириш учун ҳам тавсия этилади.

Меваси силлик, яшил, усти ялтирок, меванинг узунлиги 11-12 см, диаметри 4,0-4,5 см, ўртача вазни 100-110 г. Ҳосилдорлиги 35 т/га.

Бундан ташқари плёнкали қопламалар остида ва очиқ майдонларда 35-40 т/га ҳосил етиштириш учун чет элларда яратилган F1 Сагаа, Орзу, Зена дурагайлари ҳам тавсия этилади.

Касаллик, зарарқунандалари ва уларга қарши кураш. Бодрингни плёнкали қопламалар остида энг катта зарар келтирувчи касалликлари- ун шудринг, сохта ун шудринг. Бу касалликлар ўсимликларнинг ҳамма ер устки қисмларини, айниқса барг банди ва баргни зарарлайди.

Асосий қарши кураш чораси алмашлаб экишдир. Касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши билан калийли ўғитлар билан озиклантиришни кучайтириш керак. Касалланган барглари олиб кўмиб ташлаш керак. Касалланган ўсимликларга топсин М (0,8-1,0 кг/га), байлетон (0,06 кг/га), панч (50 мл/га), ридомил голд (2,0-2,5 кг/га) препаратлари билан ишлов бериш яхши самара беради. Бундан ташқари олтингугуртнинг сувда эрийдиган кукуни билан ишлов бериш ҳам тавсия этилади. 2-4 кг коллоидли олтингугурт 500-600 литр сувда эритилиб, 1 га майдонга сепилади.

Ширалар. Асосан, баргнинг орқа қисмида ривожланиб, қалин колониялар ҳосил қилади ва ўсимлик ширасини сўриб озикланади. Ўсимлик барги бужмаяди, ўсишдан орқада қолади, ҳосил кескин камаяди. Бундан ташқари ширалар вирусли касалликларни тарқатиб, иккиламчи катта зарар келтиради.

Қарши кураш. Бегона ўтларни, ўсимликнинг қолдиқларини йўқ қилиш. Ширалар кўпайиб кетганда кимёвий кураш чоралари қўлланилади. Бунда голлетардан 1 л/га, фосфамиддан 1,5 л/га, конфидордан 0,3 л/га, карбофосдан 1,5 л/га ҳисобда 600-1000 литр сувга биттаси аралаштирилиб, сўнг сепилади.

2.2.6. ПИЁЗ

Пиёз авитаминоз (витаминларнинг етишмаслиги), турли хил шамоллашлар, юкумли касалликларни даволашда фойдали. У сийдик йўлларидаги қум ва тошларни туширади ва қондаги қанд миқдорини камайтиради.

Пиёз соч тўкилишини олдини олишда, нафас йўллари, ангина, юрак, нерв, бош оғриги касалликларини даволашда катта аҳамиятга эга. Қулокни эшитиш ва кўзнинг кўриш қобилитини мустахкамлайди.

Етиштириш технологияси. Пиёз уруғини сентябрнинг бошидан бошлаб гектарига 7-8 кг дан сепилиб, яхшилаб суғорилади. Захлатиб суғориш кўчатларнинг бир пайтда униб чиқишини таъминлайди. Кўчатлар тўлиқ униб чиққунча тупроқни нам ҳолда сақлаб туриш керак. Сурхондарё шароитида кейинги йилларда пиёзни кўчат оркали етиштириш кенг қўлланилмоқда. Бунинг учун уруғлар сентябр ойининг бошларида кўчатхоналарга сепилади. Кўчатлар ноябр-декабр ойларида 5x5, 6x6 см схемада кўчириб ўтқазилади. Бу усулда 1 гектарга 3-4 кг уруғ сарфланади. Кўчатлар униб чиққандан сўнг улар етарлича нам билан таъминланиши ва бегона ўтлардан тоза бўлиши лозим.

Пиёз озиқ моддаларини жуда кўп сарф қилмасда, унумдор тупроқларга экилиши лозим. Гектаридан 30 т. ҳосил олиш учун 90 кг азот (соф ҳолда), 37 кг фосфор ва 120 кг калий талаб этилади. Амал даврида пиёз 18-20 мартаба 600 м³/га меъёр билан суғорилади. Пиёз барги 50-60 % ётиб қолганда (апрел-май ойларида) ҳосилни йиғишга киришилади.

Навлари. *Сумбула.* Давлат реестрига 2003 йилдан киритилган, ўрта-эртапишар. Ўсимликда 6-8 тагача барг ҳосил бўлади. Барглар баландлиги 30 см, диаметри 2 см. Пиёзбоши ўртача катталиқда, ўртача вазни 100-120 г. Пиёзбоши юмалоқ, индекси 1,0. Ҳосилдорлиги 40-46 т/га.



Пешпазак. Эрта -ўртапишар нав. Кузда сепилганда кўчатлар униб чиққандан пиёзбошнинг пишишигача бўлган давр 230-260 кунни ташкил этади. Пиёзбоши ясси-юмалоқ, ўртача вазни 90-120 г. ҳосилдорлиги 35-40 т/га.

Караталский. 1967 йил районлаштирилган. Пиёзбошнинг оғирлиги 141 г. Ўртапишар, пиёзбошлар юмалоқ шаклда. Ҳосилдорлиги 31 т/га.



Испанский 313. Ўрта эртапишар. 1973 йил районлаштирилган. Амал даври 120 кун. Пиёзбошчалари юмалоқ шаклда бўлиб, оғирлиги 150 г. Ҳосилдорлиги 36 т/га.

Зафар. 2002 йилда Давлат рестрига киритилган. Пиёзбошчаси юмалоқ, оғирлиги 170 г. Ҳосилдорлиги 41 т/га. Амал даври 148 кун.



Булардан ташқари жуда эртапишар F1 Сибир, эртапишар F1 Алдаба, F1 Техас Грано навларини ҳам экиш тавсия этилади.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Сохта ун шудринг. Март апрел ойларида яъни ҳарорат 15-20 0 С ва юқори намлик бўлган шароитда ривожланади. Ўсимликларнинг дастлаб баргларида, сўнгра бутун танасида сарғиш ғуборлар пайдо бўлади. Бу касаллик пиёзбошларни ҳам зарарлайди.

Қарши кураш. Агротехник қоидаларга риоя қилиш, минерал ўғитларни, шу жумладан азотли ўғитларни меъёрида бериш. Ўсимликларни бордо суюқлиги, мис кўпороси, цинеб препаратлари билан ишлов бериш.

Трипслар. Улар билан зарарланган ўсимликларнинг ривожланиши сустлашади. Ҳосилдорлик кескин пасаяди.

Уларга қарши ўсимликлар карбофос, фосфамид, каратэ, моспилан, децис, 55% ли нурелл-Д препаратлари билан ишлов берилади.

2.2.7. САРИМСОҚ

Саримсоқ жигар фаолиятини яхшилайти, ўн икки бармоқ ва ошқозон ости ярасига фойдали, спиртли настойкаси буйракдаги тошни туширади. У қон босимининг пасайишига, ошқозон-ичак ва юракнинг фаолиятини яхшилайти, организмда пайдо бўладиган ўсимтанинг олдини олади. Ундан томоқ оғриғи, ангина, ич кетиши, нафас қисиши, шамоллаш, тери касалликлари, грипп, таносил, йўтал, қандли диабет, атеросклероз, гипертания, буйрак, сийдик йўллари, сийдик сақланмаслик, ревматизм, подагра, сувчечак, куйиш касалликларини даволашда фойдаланилади. Бундан ташқари у



организмда модда алмашинуви бузилганда ва уйқусизлик касалликларига қарши ижобий натижа беради. Унинг таркибидаги аллицин фитонциди юқумли касалликларнинг бактерия ва вирусларини ҳалок этади. Қондаги холестеринни камайтиради, қон босимини туширади, организмдаги ошиқча сув, туз ва мойларни чиқаришга ёрдам беради.

Етиштириш технологияси. Саримсоқни унумдор, енгил тупроқли ва очиқ майдонларга экиш тавсия этилади. Саримсоқ учун эртанги карам, эртанги помидор, бодринг, қовун, тарвуз экинлари яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Саримсоқ экиладиган майдонларга ўтмишдош экинлардан бўшагач 150-200 кг/га фосфорли ўғитлар солинади ва 35-40 см чуқурликда ҳайдалади. Саримсоқни мақбул экиш муддатлари сентябр ойи ҳисобланади. Уни экишдан олдин майдон яхшилаб текисланади ва 70-90 см оралиғидаги эгатлар олинади. Саримсоқ пиёзчалари 70 см ли эгат устига 4 қаторли, 90 см. ли эгатларга эса 6 қаторли қилиб экилади. Қаторлар оралиғига ва қатордаги пиёзчалар оралиғи 10 см дан кам бўлмаслиги керак. Эгат оралиғи 70 см ли бўлганда гектарига 1,5-1,7 тонна, 90 см ли бўлганда эса 2,4-2,5 тонна уруғлик сарфланади. Экиш чуқурлиги 3-4 см бўлиши лозим. Саримсоқ пиёзчаларини экиб бўлгач уларнинг устига ҳар 1м² майдонга 2-3 кг чириган гўн г сепилиб, захлатиб сувлаш мақсадга мувофиқдир.

Захлатиб суғориш пиёзчаларнинг бир пайтда униб чиқишини таъминлайди. Пиёзчалар тўлиқ униб чиққунча тупроқни нам ҳолатда сақлаб туриш лозим. Пиёзчалар униб чиққач улар етарлича нам билан таъминланиши ва бегона ўтлардан тоза бўлиши керак.

Саримсоқ ўсув даврида 2 мартаба: биринчи мартаба кузнинг охирида (ноябр ойида) гектарига 150 кг суперфосфат ва 50 кг калий ўғити билан ва иккинчи мартаба эрта баҳорда (февралнинг охири март ойининг бошларида) гектарига 100 кг суперфосфат ва 200 кг азотли ўғитлар билан озиклантирилади. Ҳар озикадан сўнг гектарига 800-1000 м³ сув сарфланиб захлатиб суғорилади. Саримсоқ ўсув даврида 6-7 мартаба суғорилади. Эрта баҳорда гул найча чиқаради. Ҳосил юқори бўлиши учун уларни чилпиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Саримсоқ ўсимликларининг барглари сарғайиб бошлагач яъни техник етилуви даврида (май ойининг 2-ўн кунлигида) ҳосил йиғиб олинади.



Навлари. Южно фиолетовый. Амал даври 215 кун. Ўсимлигининг буйи 65-70 см. Барг пластинкасининг ранги оч-яшил тусда, барглар сони 8 та. Пиёзбошнинг вазни 70 г. Пиёзбошдаги пиёзчаларнинг сони 14 та, унинг ўрточа вазни 4 г. Ҳосилдорлиги 22-24 т/га.

Майский Вир. Амал даври 225 кун. Ўсимликнинг буйи 70-75 см. Баргининг ранги оч яшил, эни 3 см. Пиёзбош шакли юмалоқ, баъзан ясси юмалоқ, бинафша рангда. Пиёзбош 15-18 та пиёзчалардан иборат, пиёзчалар ранги сарғиш. Пиёзбошнинг ўрточа вазни 75 г. Ҳосилдорлиги 20-22 т/га.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Сохта ун шудринг. Март апрел ойларида, яъни ҳарорат 15-20 0 С ва юқори намлик бўлган шароитда ривожланади. Ўсимликларнинг дастлаб баргларида, сўнгра бутун танасида сарғайиш, ғуборлар пайдо бўлади. Бу касаллик пиёзбошларни ҳам зарарлайди.

Кураш чоралари. Агротехник коидаларга риоя қилиш, минерал ўғитларни, шу жумладан азотли ўғитларни меъёрида бериш. Ўсимликларни бордо суюқлиги, мис купороси, цинеб препаратлари билан ишлов бериш.

Трипслар. Улар билан зарарланган ўсимликларнинг ривожланиши сустрлашади. Ҳосилдорлик кескин пасаяди.

Уларга қарши ўсимликлар карбофос, фосфамид, каратэ, моспилан, децис, нурелл-Д препаратлари билан ишлов берилади.

2.2.8. САБЗИ

Сабзини ҳар куни истеъмол қилиш инсон организмни юқумли касалликларига чидамлилигини оширади. Ёш болаларни соғлом ривожланиши учун сабзи шарбати тавсия этилади. Пишмаган сабзи тиш этларини мустахкамлайди, пишгани йўталга ва ўпка силига қарши ижобий натижа беради. Сабзи уруғидан тиббиётда даукарин препарати олинади. Бу препарат қон томирларини кенгайтиради. Сабзи сийдик ҳайдаш хусусиятига эга бўлиб, сийдик йўлларидаги тошларни эритади. Витаминлар етишмаслигида, камқонликда, атеросклероз касалликларига қарши жуда фойдали.



Етиштириш технологияси. Сабзи Республикамиз аҳолисининг истеъмол қиладиган асосий сабзавот экинларидан бири бўлиб, кўп етиштирилади.

Сабзи уч муддатда сепилади: баҳорда 20-25 февралда; ёзда 25 июл-5 августда; кузда 1-20 декабрда.

Бир гектарга 3-4 кг уруғ сарфланади.

Уруғ униб чиқиш вақтида ва илдизмеванинг шаклланиш даврида тупроқ етарлича нам бўлиши керак. Ерни шудгорлашдан олдин 1 га ерга 30-40 т чириган гўнг, 400-500 кг суперфосфат 100 кг калий ўғити солинади. Экиш схемаси 60-70-90 см лик қатор ораларига сочма равишда сепилади.

Сабзини парваришда суғориш, озиқлантириш, ерни юмшатиш, бегона ўтларга қарши кураш, ягоналаш муҳим ўрин тутди. Уруғлар униб чиққандан 2 хафта ўтгандан кейин ўсимлик оралари 2-3 см дан қолдириб ягоналанади.

Қатор оралари 7-8 см чуқурликда 2-3 маротаба юмшатилади. Сабзи амал даврида 2 маротаба азотли ўғитлар билан озиқлантирилади. Озиқлантириш илдизмева шакллана бошлаган пайтда берилди. Ҳар сафар озиқлантирилганда 1 га ерга 100-120 кг амиакли селитра берилди ҳамда 8-10 кунда суғориб турилади.

Навлари. Зийнатли. Ўртапишар, баҳорги, ёзги ва қишки муддатларда экишга тавсия этилади. Кўчатлар тўлиқ униб чиққандан илдизмеваларни тўлиқ техник пишиб етилишигача 110-120 кун талаб этилади. Илдизмеваси цилиндрсимон, ўртача вазни 80-120 г., ранги оч-қизил. Ҳосилдорлиги 28-30 т/га.



Нурли. Эртапишар, кўчатлар тўлиқ униб чиққандан илдизмеваларни тўлиқ техник пишиб етилишигача 90-100 кун талаб қилинади. Ёзги ва баҳорги муддатда экишга тавсия этилади. Илдизмеваси цилиндрсимон, ўртача вазни 90-120 г., ранги сариқ. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га.

Фаровон. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган, ўртапишар. Баҳорги, ёзги ва кузги муддатларда экишга тавсия этилади. Кўчатлар тўлиқ униб чиққандан илдизмеваларнинг пишиб етилишигача 110-120 кун талаб этилади. Илдизмевалари конуссимон,



ранги оч-қизил, ўртача вазни 80-120 г ҳосилдорлиги 35-42 т/га.

Нантская-4. ўртапишар, баҳорги, ёзги ва кузги муддатларда экишга тавсия этилади. Кўчатлар тўлиқ униб чиққандан илдизмеваларнинг техник пишиб етилишигача 110-120 кун талаб этилади. Илдизмеvasи кунуссимон, ранги оч-қизил, ўртача вазни 80-100 г ҳосилдорлиги 35-40 т/га.



Булардан ташқари баҳорги ва ёзги муддатларда Қизил мирзои 228, Сарик мирзои 304, Шантанэ 2461 ва Мшаки сурх навларини ҳам экиш тавсия этилади.

Касаллик, зарарқунандалари ва уларга қарши кураш. Ун шудринг. Бу касаллик билан асосан ноябр-декабрда ва шунингдек эрта баҳорда экилганда экилган сабзи ўсимликлари зарарланади. Унга қарши фоликур, ридомил голд, панч препаратлари билан ишлов берилади.

2.2.9. ОШ ЛАВЛАГИ

Ош лавлаги ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари, атеросклероз, цинга, авитаминоз, ўпка шамоллаши, нафас олиш йўллари шамоллаши касалликларида, шунингдек семиришга моил одамларга тавсия этилади. Унинг шарбати камқонликда даво эканлиги илгаридан маълум. Ош лавлаги пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Организмдан холестеринни чиқаради, суяк ва тишларни ривожлантиришда, қон босимини туширишда, яраларни ва қандли диабетни даволашда жуда фойдали.

Помидор, бодринг қовоқ энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Лавлаги минерал ўғитлардан калийга жуда талабчан.

Лавлаги икки муддатда экилади: эрта баҳорда феврал ойининг III- ўн кунлигида, ёзги муддатда эса август ойининг I ўн кунлигида экилади. Экиш схемаси 70x 8-10 см, чуқурлиги 1,5-2 см. уруғ сарфи 1 гектар майдонга 8-10 кг. Кўчатларда 2-3 та чинбарг пайдо бўлганда ўсимликлар ўртасида 10-12 см масофа қолдирилиб ягона қилинади. Бир пайтда ўтоқ қилиниб қатор оралари юмшатилади. Ҳосилдорлиги экиш муддатларига қараб 35-41 т/га.



Навлари. Бордо 237. Кўчатлар ёппасига униб чиқишдан илдизмеваларнинг техник пишиб етилишигача бўлган давр 80-88 кун. Илдизмеваси юмалоқ бўлиб, вазни 350-370 г. ранги кизил. Ҳосилдорлиги ўртача 35-38 т/га.



Диёр нави. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Кўчатларнинг ёппасига униб чиққандан техник пишишигача бўлган давр 81-88 кун. Илдизмеваси юмалоқ, пўсти ва мағзи тўқ кизил рангда, илдизмевалар ўртача вазни 460-490 г. Ўқ илдизи ингичка. Барглари сони ўртача 12 та, узунлиги 20 см ранги яшил юраксимон шаклда. Ҳосилдорлиги 35-41,5 т/га

Булардан ташқари F1 Пабло Египетская 60 ва Одноростковая навларини ҳам экиш тавсия этилади.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Республикамиз шароитида ош лавлаги ун шудринг, сохта ун шудринг ва вирус касалликлари билан зарарланади. Уларга қарши ридомил, панч, фоликур препаратлари билан ишлов берилади. Зараркунандалардан асосан кўк курт тунлами зарар етказади. Унга қарши курашиш учун алмашлаб экиш ва ўсимликларни децис, каратэ, 55% ли нурелл-Д, 40% ли Би 58 янги препаратлари билан ишлов берилади.

2.2.10. ШОЛҒОМ

Шолғом иштахани очади. Уни пархез таом сифатида қандли диабет, семириш, рак касалликларига қарши тавсия этилади.

Шолғом ва унинг шарбати шамоллаш, сийдик ҳайдаш, юрак касаллиги ва оғрикни қолдиришда шунингдек асабни тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Унинг шарбати ёки қайнатилган суви буйракдаги тошларни туширади, астма, бронхит, йўтал, товуш буғилиши, тиш оғриганда фойдаланилади. Шолғом турли хил касалликларни келтириб чиқарувчи бактерияларни ҳалок қилади.

Етиштириш технологияси. Шолғом учун бодринг, қовоқ, пиёз, помидор энг яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Ўтмишдош экин йиғиб олингандан сўнг, маҳаллий ўғит солиниб ер чуқур (35-40 см) ҳайдалади.

Шолгом минерал ўғитлардан калийга жуда талабчан, бу ўғит унинг ҳосилдорлигини икки мартабагача ошириши мумкин.

Шолгом икки муддатда экилади: эрта баҳорда-феврал ойининг III-ўн кунлигида ҳамда август ва сентябр бошида. Эгатларда у икки қатор қилиб 20+50 схемада экилади. Экиш чуқурлиги 1,5- 2,0 см. экиш меъёри 0,2 г/м². Кўчатларда 2-3 та чинбарг пайдо бўлганда ўсимликлар ўртасида 5-6 см масофа қолдириб ягона қилинади. Бир пайтда ўтоқ қилинади ва қатор оралари юмшатилади.

Энг мухим тадбир - шолгомни ўз вақтида суғориб туриш керак. Ҳосилни йиғиш совуқ тушгунча амалга оширилади.

Навлари. Наманганская местная. Эр-тапишар. Ўсув даври 54-60 кун, илдизмева шакли ясси юмалоқ, эти тигиз, пўсти ва этининг ранги оч сариқ. Илдизмева вазни 130-140 г., таъми 4,5 балл, серсув, ҳосилдорлиги 40-42 т/га.



Муяссар нави. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Жуда эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан-техник пишиб егилишигача 40-45 кун талаб этилади. Давлат реестрига 2004 йилдан киритилган. Барглари юмалоқ овалсимон. Илдизмеваси юмалоқ, усти силлик, ранги ок, ўртача вазни 200-250 г. Янгилигича истеъмол қилишга ва ҳар хил салатларга ишлатилади. Ҳосилдорлиги 45-47 т/га. Бундан ташқари Самарқандская местная (қизғиш рангда) ва Петровская (сарик рангда) навлари ҳам экишга тавсия этилади.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Шолгом ўсув даврида қандала билан зарарланиши мумкин. Унга қарши ўсимликларга дарахт кули ва тамакининг аралашмаси (1:1) сепилади.

2.2.11. ТУРП

Турп иштаҳани очади. Уни атеросклероз, тиш оғриғи, тош касалликларига қарши тавсия этилади. Ундан қадимги Греция, Хиндистон ва Мисрда овқатни яхши ҳазм қилдириш, кўз нуруни ошириш ва кучли йўталга қарши фойдаланилган.

Турп организмдаги зарарли моддаларни чиқаради, холестеринни камайтиради. Унинг таркибидаги фитонцидлар ҳар хил касалликлар



тарқатувчи микробларни ҳалок этади. Шарбати сийдик ҳайдаиди, бронхит, ўпка туберкулези, қирғичдан ўтқазилган мағзи горчичник сифатида радикулитни даволашда ишлатилади.

Ўтиштириш технологияси. Турп учун пиёз, эртанги картошка, бодринг, помидор, нўхат ва бошка эртапишар ўсимликлар яхши ўтмишдош ҳисобланади.

Турп асосан кузги муддат: сентябр-октябр бошида экилади. У 60-70 см ли эгатларга икки қатор қилиб 20 см ораликда экилади. Уруғларни экиш чуқурлиги 1,5-2,0 см. экиш меъёри 3-4 кг/га. Турп экилгандан сўнг 5-6 кунда униб чиқади. Кўчатларда 2-3 та чинбарг пайдо бўлганда ўсимликлар ораси 8-10 см масофа қолдириб ягона қилинади ҳамда бир пайтда бегона ўтлардан тозаланиб, қатор оралари юмшатилади.

Турпни ўз вақтида суғориб туриш яхши натижа беради, чунки унинг сувга бўлган талаби юқори. Унинг ҳосилини йиғиш совуқ тушгунга қадар амалга оширилади.

Навлари. *Маргеланская.* Эртапишар, амал даври 90 кун. Илдиз меваси цилиндрсимон, ҳосилдорлиги 40-45 т/га, сақланиши яхши.



Андижон нави 9. Эртапишар. Амал даври 96 кун. Илдизмева деярли тупрокнинг устки қисмида жойлашган, шу қисми яшил рангда, тупроқ остида жойлашган қисмининг ранги оч яшил, ёки ок, эти тиғиз, ранги ок. илдизмева вазни 300-310 г, таъми 4,3 балл. Ҳосилдорлиги 48-50 т/га.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Турп ўсув даврида қандала билан зарарланиши мумкин унга қарши ўсимликларга дарахт кули ва тамакининг аралашмаси (1:1) сепилади.

2.2.12. ДАЙКОН

Дайкон пархез таом ҳисобланади, иштахани очади, овқатни яхши ҳазм қилишда жуда фойдали. Ундан тиш оғриғида, турли шамоллашларда, жигар, туберкулез, тош касалликлари, қандли диабетни даволашда фойдаланилади. Сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Нурланган инсонларга уни истеъмол қилиш тавсия этилади.



Етиштириш технологияси. Дайкон ҳар қандай тупроқда ҳам ўсиб, ҳосил берадиган экин, аммо яхши ҳосил олиш учун уни ер остки сувлари сатхи паст, енгил, кумоқ тупроқларда етиштириш лозим. Тупроққа органик ва минерал ўғитларни бериш лозим. Уруғларни сепишдан олдин 1 м² ерга 1 кг гўнг, 20 г аммоний сульфат, 40 г суперфосфат ва 20г калий солиниши керак. Дайкон агротехникаси турпни-кига ўхшаш.

Дайконни экишнинг энг мақбул муддати-августнинг охири ва сентябрнинг боши ҳисобланади. Уруғларни олдиндан тайёрлаб қуйилган эгатларга бир қатор қилиб экилади. Энг яхши натижа 1 м ерга 7-8 та ўсимлик қолдириб етиштирилганда олинади. Одатда кўчатлар 3-5 кунда униб чиқа бошлайди. 3 та чинбарг чиқарганда ягона қилинади ва кейин озиклантирилади. Агар экишгача ерга органик ўғитлар солинган бўлса фақат қатор оралари юмшатилади ва суғориб турилади. Кейинчалик тупроқни бегона ўтлардан тозаланади, чопиқ қилинади ва керак бўлганда суғориб турилади.

Дайконни об-ҳаво қуруқ бўлганда йиғиб олиш керак. Енгил, кумоқ тупроқларда илдизмевани осон суғуриб олиш мумкин. Агар илдизмевалар чуқур жойлашган бўлса қовлаб олиш керак бўлади.

Навлари. *Содиқ.* ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан илдизмеваларнинг техник пишиб етилишигача 55-60 кун талаб этилади.

Илдизмеvasи узунчоқ - цилиндрсимон, узунлиги 24-30 см, диаметри 5,4-6,0 см. Мағзи ок, серсув. Таъми жуда яхши. Илдизмеvasининг вазни 580-650 г. Ҳосилдорлиги 63-66 т/га.

Куз ҳадяси. Ўртапишар нав. Кўчатларнинг ёппасига униб чиқишидан илдизмеваларнинг техник пишиб етилишигача 60-65 кун талаб этилади. Илдизмеvasи ок, цилиндрсимон, узунлиги 23-25 см, эни 4-5 см, силлиқ. Умумий ҳосилдорлиги 56 т/га. Илдизмеvasининг ўртгача вазни 400-450 г. Мазаси яхши.



Касаллик, зарарқунандалари ва уларга қарши кураш. Дайкон ўсув даврида қандала билан зарарланиши мумкин унга қарши ўсимликларга даррахт кули ва тамакининг аралашмаси (1:1) сепилади.

2.3. ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ

2.3.1. ТАРВУЗ

Тарвуз суви сийдик ҳайдаш хусусиятига эга. Шу муносабат билан сийдик чиқариш йўлларининг сурункали касалликлари, шунингдек цистит, нефрит, буйрак тош касалликларида тарвуз суви тавсия этилади. Тарвуз танаввул қилиб туриш қандли диабет, жигар, юрак касалликлари билан оғриган беморларга, семиришни даволашда фойдалидир.

Тарвуз шарбати организмнинг ҳаётий фаолиятини кўтаради. Тарвузни ўт пуфаги ва қовук, камқонлик касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади.

Етиштириш технологияси. Тарвуз қуёш нури яхши қиздирадиган енгил кумоқ тупроқли далаларда етиштирилади. Тарвуз учун помидор, карам ва картошка экинлари яхши ўтмишдош ҳисобланади. Органик моддаларга бой тупроқларда ҳосилдорлиги янада юқори бўлади. Ернинг 30-35 см чуқурликда ҳайдалиши эса юқори ҳосилдорлик гаровидир.

Вилоятимиз шароитида тарвуз 10-15 апрелда экилади. Экиш схемаси см.

Уруғларни экишда ҳар бир уяга 3-4 та дан уруғ 4 см. чуқурликда ташланади. Экиш меъёри 1,5-2,5 кг/га. Тарвуз учун органик ва минерал ўғитларни бирга солиш энг яхши натижа беради. Бунда органик ўғит (гўнг) чириган бўлиши керак, аксинча меванинг сифати ёмон ва касалликларга чидамлилиги пасаяди.

Меваларнинг пишиб етилишига қараб бир неча мартаба ҳосил териб олинади.

Навлари. Сурхон тонги. Ўртапишар, амал даври 110 кунни ташкил этади. Мева шакли цилиндрсимон, силлик. Мевасининг вазни 8-9 кг, ранги оч яшил. Мағзи қизил, серсув, ширин. Сақланувчанлиги ва транспортбоплиги яхши. Ҳосилдорлиги 45-50 т/га.

Кримсон свит F1. Ўртапишар, амал даври 75 кун. Мева вазни 8-10 кг. Мевасининг сақланиши ўртача, транспортбоплиги яхши. Ҳосилдорлиги 50 т/га.



Дилноз. Ўртапишар, амал дари 100 кун. Мева шакли юмалок, юзаси силлиқ, пўсти ўргача қалинликда, ранги тўқ яшил. Этининг ранги оч қизил, серсув, ширали. Мевасининг вазни 3,5-4,0 кг, таъми 4-8 балл. Ҳосилдорлиги 22-24 т/га.



Қўзибой. Кечпишар, амал даври 130 кун. Мева шакли юмалок, ранги қорамтир, пўсти қаттиқ, меванинг вазни 4,0-4,5 кг, таъми 4-7 балл. Қишда яхши сақланади, транспортбоп. Ҳосилдорлиги 18-20 т/га.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Тарвузнинг энг кўп тарқалган касалликларига сўлиш, ун шудринг, илдиз чириши, меваларда қора чириш кабилар киради. Бундан ташқари тарвуз полиз шираси, ўргимчакканна, симқурт, кемирувчилар ва бўртма нематодаси каби зараркунандалар билан зарарланади.

Касалликларга қарши курашда аввало профилактик чоралар, яъни ерни кузда чуқур шудгорлаш, агротехник ва кимёвий усулларни ўз вақтида амалга ошириш, органик ва минерал ўғитлардан меъёрида фойдаланиш ҳамда бегона ўтларга қарши кураш чоралари киради.

Ун шудринг. Унга қарши фоликур, ридомил голд, 40% ли панч препаратлари билан ишлов берилади.

Ширалар. Асосан, баргнинг орқа қисмида ривожланиб, қалин колониялар ҳосил қилади ва ўсимлик ширасини сўриб озикланади. Ўсимлик барги бужмаяди, ўсишдан орқада қолади, ҳосил кескин камаяди. Бундан ташқари ширалар вирусли касалликларни тарқатиб, иккиламчи катта зарар келтиради.

Қарши кураш. Бегона ўтларни, ўсимликнинг қолдиқларини йўқ қилиш. Ширалар кўпайиб кетганда кимёвий кураш чоралари қўлланилади. Бунда моспилян, нурелл-Д голлстар 1 л/га, фосфамид 1,5 л/га, карбофос 1,5 л/га ҳисобда 600-1000 литр сувга аралаштирилиб, сўнг пуркалади.

Ўргимчаккана. У тарвуз учун энг хавфли зараркунанда бўлиб ҳисобланади. Кана ўсимлик ширасини сўриб катта зарар келтиради ва ўсимликни нобуд қилиши мумкин.

Қарши кураш. Бегона ўтларни йўқотиш. Зараркунанда пайдо бўлиши билан 50 % ли карбофос (0,6-1,2 кг/га), 57 % ли омайт (1,5 л/



га), 50 % ли неорон (1,0-1,2 л/га), олтингугурт кукуни (20 кг/га) билан ишлов берилиши лозим. Охирги ишлов меваларни теришдан 20 кун олдин амалга оширилиши керак.

Бундан ташқари касаллик ва зарақунандаларга чидамли навлардан фойдаланиш яхши натижа беради.

2.3.2. ҚОВУН

Бронхит, яъни кўксов, ревматизм, камқонлик юрак, жигар, атеросклероз ва асаб касалликларини даволашда фойдалидир. Қариликни олдини олади.

Етиштириш технологияси. Қовун учун беда, илдизмевалилар, пиёз, карам энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Қовун етиштирилади-ган майдонларга кузда гектарига 30-40 т. органик ўғит солиниб 35-40 см чуқурликда шудгорланади.


Эртапишар ва ўртапишар қовун навлари 1-10 апрелда далага экилади. Кечпишар қовун навлари 15-20 майда экилади. Экиш схемаси.

$$\frac{270+90}{2} \times 60$$

Ҳар бир гектар майдонга 4-5 кг уруғ сарфланади. Ҳар бир уячага 3-4 тадан уруғ экилади. Ўсимликлар 2-3 чинбарглигида ҳар уячага 1 донадан қолдириб ягона қилинади. Ўсув даврида қатор ораларига ишлов бериш ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари ўтказилади ва ернинг шароитига қараб 600-700 м³/га меъёрда 5-6 мартаба суғорилади. Вегетация даврида далага 120 кг азот, 180 кг фосфорли ўғитлар билан 2 мартаба озиклантирилади. Меваларнинг пишиб етилишига қараб ҳосил 3-4 мартаба терилади.

Навлари. Ҳандалак. Эртапишар. Ўсимликларнинг униб чиқишидан мева пишишигача бўлган давр 81 кун. Мева оғирлиги 1,5-2,0 кг. Таъми 4 балл. Ҳосилдорлиги 25 т/га.

Кукча-588. Ўртапишар, вегетация даври 95 кун, оғирлиги 3 кг, мевасининг таъми 4 балл. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га.



Оқ уруғ. Ўртапишар. Ўсимлик униб чиққандан мевасининг пишишигача бўлган давр 95-100 кун. Мевасининг вазни 4-5 кг. Мағзи оқ рангда. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га.

Амири. Ўртапишар, амал даври 110 кун. Мевасининг вазни 3,5-4,0 кг, таъми 5 балл. Ҳосилдорлиги 32-35 т/га.

Кечпишар навлар. Қора туркиш. Кечпишар. Ўсимликлари тўлик униб чиққандан меваси пишишигача бўлган давр 125 кун. Мевасининг оғирлиги 4,8 кг. Таъми 4 балл. Ҳосилдорлиги 40 т/га.

Саховат. Вегетация даври 120 кун. Мевасининг ўртача вазни 4-5 кг. Таъми 5 балл. Ҳосилдорлиги 34-36 т/га.



Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Сўлиш касали. Ўсимликнинг барча ўсув даврида зарарлаши мумкин бўлиб, уни вертициллиум ва фузариум замбуруғи келтириб чиқаради.

Қарши кураш. Агротехник тадбирларга катъий риоя қилиш, ўз вақтида чуқур чопиқ қилиш, далани ўсимлик қолдиқларидан тозалаш. Касалликнинг олдини олишдан бири бу сепишдан олдин уруғларга ТМТД (4 г: 1 кг уруғга) препарати билан ишлов берилади, ўсимликлар 5% ли суперфосфат билан баргидан озиклантирилади.

Қовун пашшаси. Мева тугиш вақтида қовун пашшасига қарши карбофос, БИ-58, децис каби химикатлар билан 2-3 мартаба ишлов берилади.

2.3.3. ҚОВОҚ

Буйрак, қовуқ, жигар, юрак-қон томир касалликларини даволашда фойдаланилади. Қовуқ уруғининг қайнатмаси гижжа ҳайдайдиган дори тарикасида фойдаланилади. Организмдаги холестерин моддани чиқаради, захарли моддаларни ўзига сўради. Семиришга мойил одамларга қовуқ тавсия этилади.

Етиштириш технологияси. Қовуқ учун помидор, карам, картошка, илдизмевалилар, пиёз ва беда яхши ўтмишдош ҳисобланади. Қовуқ етиштириладиган майдонларга кузда гектарига 200 кг суперфосфат, 50 кг калийли ўғитлар ва 25-30 тонна чириган гўнг солиниб 35-40 см чуқурликда шудгорланади. Уни экишнинг мақбул муддатлари 1-20 апрел ҳисобланади.



Экиш схемаси

$$\frac{450-90}{2} \times 80 \text{ см}$$

Уруғларни экиш чуқурлиги 4-5 см. ҳар уяга 2-3 та уруғ экилади. Ўсимликлар 2-3 чинбарглигида ҳар уяда 1 донадан қолдирилиб ягона қилинади. Ягона қилинганда ўсимликлар илдизи билан суғурилганда қолдирилган ўсимлик илдизлари зарарланади ва уларнинг ривожланиши сустлашади натижада ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун олиб ташланадиган ўсимликларни чилпиб ташлаш керак.

Ўсув даврида қатор ва ўсимлик ораларига 2-3 маротаба ишлов бериш ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирлари ўтказилади. Ўсимликлар 2 маротаба озиклантирилади: биринчи озиклантириш ягона қилишдан сўнг, иккинчи маротаба мева туғишнинг бошланишида амалга оширилади.

Ҳар озиклантиришда гектарига 100 кг суперфосфат ва 150 кг аммиакли селитра сарфланади. Ер шаротига қараб ўсув даврида 600-700 м³/га меъёрда 7-8 маротаба суғорилади. Меваларнинг пишиб етилишига қараб ҳосил 2-3 маротаба терилади.

Навлари.

Испанская-73.

Ўсимликаларнинг униб чиқишидан меваларнинг пишибигача бўлган давр 130 кун. Меваси ясси юмалоқ шаклда, мевасининг оғирлиги 4-5 кг. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га.



Полов кади. Ўсимликларнинг униб

чиқишидан меваларнинг пишиб етилишигача бўлган давр 116 кун. Меваси узунчоқ шаклда. Мева вазнининг оғирлиги 3,5-4,5 кг. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га.



Касаллик, зараркундалари ва уларга қарши кураш. Ун шудринг касали. Қовоқ баргларида кулранг доғлар пайдо бўлади, кейинчалик барг юзасини бутунлай коплаб олади. Бу касалликни ўсимлик қолдиқларида қишлоқчи замбуруғлар келтириб чиқаради.

Қарши кураш. Ўтмишдош ўсимлик қолдиқларидан ерни тозалаш ва кузда чуқур плуглаб ҳайдаш.

Тупроқни икки-уч маротаба олтингугуртнинг тупроқли аралашмаси билан чанглатиш (100 кг олтингугурт ва 100 кг тупроқ чанги 1:1 га).




Полиз шираси. Заҳарли химикатлар қаратэ (15-20 мл.), моспилан (10-15г.), суми альфа (20-25 г.) 10 л сувга аралаштирилиб пуркалади.

2.4. КЎКАТ САБЗАВОТЛАР

2.4.1. ИСМАЛОҚ

Исмалоқ энг яхши пархез таом ҳисобланиб, “сабзавотлар кироли” деб аталади. уни кўпроқ ёш болаларга тавсия этилади. Исмалоқ нерв системасини тинчлантиради, камқонликда, рахит, туберкулез, қандли диабет, томок оғриғи, ўпка шамоллаши, геморрой ва нурланиш касалликларини даволашда жуда фойдали.

Етиштириш технологияси. Исмалоқни унумдор, енгил ерларга ва очик майдонларга экиш лозим. Полиз экинлари, помидор, ширин қалампир ва бошқалар исмалоқ учун яхши ўтмишдош экинлар ҳисобланади. Кўп холларда исмалоқ кузда эртачи ва ўртачи сабзавот экинлари йиғиб олинган жойларга экилади. Кўчатларни тезроқ униб чиқиши учун уруғларни экишдан 1-2 кун олдин ивителиб қуйиш керак, сувни тез-тез алмаштириб туриш шарти билан. Экиш учун қатта ва тўлиқ уруғларни олиш керак. 1м² ерга 2,5-4,0 г. уруғ сепилади. Экиш чуқурлиги 2,5-3,0 см. Кўчатлар уруғлар сепилгандан сўнг 4-6 кунда униб чиқа бошлайди. Конвейер усулида махсулот олиш учун уруғларни 12-16 кун оралатиб сепган маъқул. Узун кун ва юқори ҳарорат исмалоқ ўсимликлари, гул новда чиқаришини тезлаштиради, ҳосил сифатини пасайтиради. Шунинг учун кечки баҳорги ва ёзги муддатларда уни боғ қатор ораларига экиш тавсия этилади. Уруғларни қатор оралари 60 см бўлган эгатларга 2 қатор қилиб сепилади ва захлатиб суғорилади.



Исмалоқ барги нафис ва яхши мазали бўлиши учун уни сийрақроқ экиш керак, органик ва минерал ўғитлар билан ўз вақтида озиклантириш ва суғориш керак. Исмалоқ барги кўк холда истеъмол қилиш учун ўсимликда 6-8 та барг ҳосил бўлганда йиғиб бошланади. Баргларни эрталаб териб олиш жуда маъқул ҳисобланади.



Навлари. Нафис. Ўзбекистон шароитида 2001 йилдан районлаштирилган. ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пункти ва ВНИ-ИССОК олимлари ҳамкорликда яратилган ушбу нав Давлат реестрига киритилган ягона навдир.

Нав эртапишар, совуққа, касалликларга чидамли. Кўчатлар ёппасига униб чиққандан техник пишиб етилишигача кузги муддатда 145 кун, уруғларни пишиб етилишигача 190-200 кун талаб этилади. Баҳорги муддатда бу мувофиқ равишда 25-30 ва 75-80 кунни ташкил этади. Барг розеткаси ғуж жойлашган. Барги катта (узунлиги 24-29 см, эни 15-22 см), узунчоқ- овалсимон, тўқ яшил рангда. Баргининг устки қисми сал дағалроқ, четки қисмларида билинар-билинемас чуқурлар бор.

Нав таркибида каротин моддаси кўплиги ва нитратларнинг камлиги билан ажралиб туради. Ҳосилдорлиги баҳорги муддатда 25-60, кузги муддатда 35-110 т/га.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Бизнинг шароитимизда исмалоқ касаллик ва зараркунандалар билан зарарланмайди.

2.4.2. ПЕТРУШКА

Петрушка иштаҳани очади, сийдик хайдайди. Кўз касалликлари, невралгия, буйрак, юрак касалликлари ва овқатдан заҳарланганда заҳарни кесишда жуда фойдали. Унинг уруғи сийдик йўлларидаги ва буйракдаги тошларни туширади.

Етиштириш технологияси. Петрушка учун ажратилган майдонлар чуқур қилиб (35-40 см) шудгорланиши лозим. Петрушка енгил, қумоқ ерларга экилганда тезроқ ривожланади. Илдизмевали петрушка гўнг солингандан кейин иккинчи йилда, баргли петрушка эса гўнг солинган йили экилиши мумкин. Петрушка учун энг яхши ўтмишдошлар - бодринг, помидор, пиёз, гулқарам, картошка хисобланади.

Петрушка кузда ва баҳорда экилади. Уруғлари жуда секин униб чиқади. Шунинг учун кичик майдонларда экилганда уларни экишдан олдин ивитиш зарур. Экиш чуқурлиги 2,0-2,5 см. 1 м² ерга 0,5 г/м² дан 5,0 г/м² гача уруғ сепилади. Уруғлар қатор оралари 30-40 см бўлган эгатлар устки қисмига экилади. Ўсимликлар орасидаги масофа 3-4 см бўлиши лозим.




Илдизмевали петрушкани 2-3 чинбарг чиқарганда ўсимликлар орасида 5-6 см масофа қолдириб ягона қилиш керак. Баргли петрушка 2 маротаба: биринчи маротаба 1-2 чинбарг чиқарганда ва иккинчи маротаба 5-6 чинбарг чиқарганда ягона қилинади. Иккинчи маротаба ягона қилингандан кейин биринчи маротаба озиклантирилади. Бунда 1 м² ерга 15 г азот ва 10 г дан фосфор ва калий бериледи. Баргли петрушка ҳосил теримдан сўнг озиклантирилиши лозим. Бунда ҳар бир квадрат метрга 5-8 г дан азот ва суперфосфат, 8-10 г калий берилиши лозим. Ҳар бир теримда ҳосилдорлик 2,0-2,5 кг/м² ни ташкил этади.

Илдизмевали петрушка совуқ тушишигача қазиб олиниси керак. Қазиб олинган илдизмевалар тозаланиб, барглари ва ўқ илдизи кесилиши лозим.

Навлари. *Нилуфар.* ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пунктида яратилган. Ўрта- эртапишар, кўчатлар ёппасига униб чиққандан техник пишиб етилишигача 55-60 кун талаб этилади.

Ўсимликда барглари сони 29-32 та. Барглари катта, силлик, яшил, ялтирок. Барг розеткаси ғуж жойлашган, баландлиги 65-70 см. Барг банди қисқа.



Кўк масса ҳосили олиш учун мақбул экиш муддати сентябр ойининг II-III ўн кунлиги ҳисобланади. Ҳосилдорлиги 6,0-7,5 кг/м².

Касаллик, зараркундалари ва уларга қарши кураш. Республикамиз шароитида петрушка касалликлар билан зарарланмайди. Ўсув даврида ҳарорат паст ва намлик юқори бўлган шароитда ўсимликларни шира битлари зарарлайди.

Қарши кураш. Карбофос, децис, 55% ли нурелл-Д ва фосфамид перпаратлари билан ишлаб бериледи.

2.4.3. СЕЛЬДЕРЕЙ – Ҳушбўй қарафс (Кўп йиллик ўсимлик)

Сельдерей иштахани очади. Оғриқни камайтирувчи, сийдикни ҳайдовчи, нерв системасини тинчлантирувчи, ошқозон-ичак фаолиятини яхшиловчи сифатида фойдаланилади. У буйрак, ревматизм,



уйкусизлик, аллергия касалликларини даволашда ва семиришни олдини олиш учун тавсия этилади. Таркибида эфир мойлари оғиз бўшлиқлари ва ошқозон бактерияларини ҳалок этади. Унинг томири ва баргининг сувдаги эритмаси билан йиринглаган яралар ювиб дизенфекция қилинади. Сельдерей қон қуюқлашишини олдини олади.

Етиштириш технологияси. Сельдерей учун энг яхши ўтмишдош бодринг, эртаци карам, гулкарам, картошка ҳисобланади. У тупроқ унумдорлигига ўта талабчан. Тупроқда рН миқдори 7,0-7,5 бўлган ерларда яхши ўсади. Уни бевосита уруғларини ерга сепиб етиштирилади. Қатор оралари 60 см бўлган эгатларнинг устки қисмига уруғлар сепилади. Илдизмевали сельдерей уруғ сарфи 1,0-1,5 кг/га, баргли сельдерей уруғ сарфи 1,5-2,0 кг/га. Уруғлар 0,5-1,0 см чуқурликда экилади. Илдизмевали сельдерейни экишнинг энг мақбул муддати август ойининг биринчи ярми ҳисобланади. Баргли сельдерей уруғини эса октябр ойининг 2-ўн кунлигигача сепиш мумкин. Кўчатлар тўлик униб чиқишигача тупроқ нам холда сақланиш лозим. Ўсимликлар 2-3 чинбарг чиқарганда ягона қилинади. Бунда илдизмевали сельдерей ўсимликлари орасидаги масофа 20 см, баргли сельдерейда эса - 10 см бўлиши лозим. Ягона билан бир пайтда ўтоқ қилинади ва органик, минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Бунда 1 гектарга 4-5 тонна чириган гўнг, 150 кг/га азот ва 200 кг/га суперфосфат сарфланади. Кейинги парваришlash ўтоқ қилиш, қатор ораларини юмшатиш ва суғоришдан иборат бўлади. Баргли сельдерей барглари-нинг узунлиги 25-30 см бўлганда ҳосилни йиғишга киришилади. Бунда барг бандининг бир қисми қолдирилиб барг кесиб олинади. Ҳар бир ҳосил йиғиб олингандан сўнг ўсимликлар озиклантириб суғорилади. Илдизмевали сельдерей техник пишиб етилганда йиғиб олинади.

Навлари. *Сербарг.* ЎзСПЭ ва КИТИ Сурхондарё таянч пункти олимлари томонидан яратилган.

Бу нав баргли сельдерей турига мансуб. Эртапишар, баландлиги 40-42 см га етади. Барглари сони ўсимликда 14 тагача етади ва ранги тўқ яшил бўлади. Ўсимлик мах-



сулдорлиги 245 г. Ҳосилдорлиги 5,2 кг/м. Янгилигича турли хил таомларга солинади, салатлар тайёрланади ва консерва саноатида ишлатилади.

Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Бизнинг шароитимизда сельдерей касалликлар билан деярли зарарланмайди. Ўсув даврида намлик юкори ва ҳарорат паст бўлган шароитда ўсимликларни шира битлари зарарлайди. Битларга қарши фосфамид, карбофос ва децис препаратлари билан ишлов берилади.

2.4.4. ШИВИТ

Шивит иштахани очади, қон босимини, буйракдаги тошларни туширади. Жигар, атеросклероз, уйқусизлик касалликларига жуда фойдали. Шивит кўкати парhez таом бўлиб, семиришнинг олдини олади. Уругининг қайнатмасидан юрак, мия, геморрой, аллергия касалликларини даволашда, баргининг қайнатмасидан кўз шамоллашига қарши фойдаланилади.

Етиштириш технологияси. Шивит учун картошка ва барча сабзавот экинлари (сельдерейсимонлардан ташқари) яхши ўтмишдош ҳисобланади. Шивит унумдор, бегона ўтлардан тоза, юмшок тупроқларда экилади. Тупроқ реакцияси нейтралга яқин бўлиши керак. Ерни шудгорлашдан олдин 10-15 т/га чириган гўнг, 300-400 кг/га суперфосфат солинади. Сурхондарё шароитида шивитни йил давомида экиш мумкин. Ёз кунларида уни боғ қатор ораларига экиш тавсия этилади.


Уруғлари эгатларнинг устига қўлда сепилади. Экиш чуқурлиги 0,5-1,0 см. Уруғ сарфи 8-12 кг/га. Уруғ сепилгач яхши захлатиб суғорилади. Уруғлар униб чиққунигача 2-3 маротаба суғорилади. Эфир мойларининг кўплиги сабабли уруғ секин уна бошлайди ва шароитига қараб 7-20 кунда униб чиқади. Шунинг учун уруғларни экишдан олдин ивитиш яхши самара беради ва униб чиқиш даври қисқаради.

Ўсимликларда 2-3 та чинбарг ҳосил бўлгач ягона ва бир пайтнинг ўзида ўтоқ қилинади. Ягона пайтида ўсимликлар орасидаги масофа 4-5 см ни ташкил этиши лозим. Шивит кўп миқдорда нитратли азотни таркибида сақлашга мойил ва унинг миқдори кўп холларда тупроқдаги азотнинг миқдорига ва етиштириш шароитига боғлиқ.



Барглари ва ёш новдалари гулновода чиқаргунча йиғилади. Амал даври давомида экиш муддатларига қараб кўк массаси 2-4 маротабагача йиғиб олинади. Қонсервалаш учун ишлатиладиган шивит гуллаш фазасида йиғиб олинади. Шивит кўк масса ҳосилдорлиги 20-25 т/га.

Навлари. *Ором.* ЎзСПЭ ва КИТИ да яратилган. Эртапишар, барглари конуссимон, барг банди узун, билинар-билинемас туклар билан қопланган. Ўсимликнинг баландлиги 25,0-26,5 см, ҳосилдорлиги 2,0-2,8 кг/м². Баргларида 13% гача қуруқ моддалар, 1,3 % канд, 74 мг/% витамин С мавжуд. Совуққа чидамли.



Касаллик, зараркунандалари ва уларга қарши кураш. Республикамик шароитида шивит деярли касалланмайди. Бирок у карам бити (карам шираси) билан зарарланади. Бу шира фақат ўсимликнинг зарарлабгина қолмай балки вирус касалликларини ҳам ташийди. Зарарланган барглар гулоби рангга киради ва буралиб қолади.

Қарши кураш. 0,25-0,35% ли карбофос ёки децис аралашмали суяуклиги билан ишлов берилади.

2.4.5. РАЙҲОН

Райхон бир йиллик ўсимлик бўлиб ватани Ўрта Осиё ҳисобланади. Бу сабзавот тури Фарбий Европа ва Шимолий Америкада кўплаб етиштирилади. Грузин ва Арман халқларини сеvimли сабзавоти ҳисобланади.

Аҳамияти. Барги ва майда таналари истеъмол қилинади. Барглари соя жойда куритилиб олиниб ёпиқ шиша идишларда сақланади. Куритиб олинган райхон балиқ ва гўшт махсулотларига масаллик сифатида фойдаланилади. Булардан ташқари бодринг махсулотларини тузлаш, турли хил коктейллар, томат қонсервалари тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Озуқабонлиги. Барглари таркибига 50 мг% С витамини, 150 мг% рутин, 12 мг% А витамини ва В2, РР, 0,02-0,08 % эфир мойлари мавжуд. Райхон иштахани очади, марказий нерв системалари фаолиятини мустаҳкамлайди. Шамоллашларни олдини олади.



Барги таркибидаги эфир мойлари ошқозон силлиқ мускулларни мустаҳкамлаб, оғриқларни камайтиради. Халқ табобатида райхон ўсимлиги дамламасидан ошқозон, томоқ, йўтал ва бошқа касалликларда фойдаланилади. Булардан ташқари медицинада райхон ўсимлигидан тайёрланган препаратлар буйрак, ошқозон яраси, гастрит, колит ва бошқа касалликларни даволашда кенг фойдаланилади.

Агротехникаси. Райхонни ловия, нўхат, бодринг каби экинлардан бўшаган майдонларга экиш мақсадга мувофиқ. Райхон уруғидан экиб кўпайтирилади. Кўчатлар тайёрлаш учун райхон уруғлари вақтинчалик полиэтилен плёнка остига феврал ойининг ўрталарида сепилади. Уруғлар сарфи 1м² га 2 г. ни ташкил этади. Ўсимликлар биринчи чин барг чиқаргандан кейин минерал ўғитлар билан озиклантирилади (20 г. азот, 50 г. фосфорни 10 л. сувга).

Кўчатлар далага экилишидан 10-15 кун олдин, шамоллатилиб чиниқтирилади. Райхон кўчатлари апрел ойининг бошларида далага ўтказилади. Экиш схемаси 60x15x15 см. Кўчатсиз етиштириш учун уруғлар далага март ойининг охири апрел ойининг бошларида сепилади. Қаторларга икки қаторли лентасимон ёки сочма тарзда сепилади. Ҳар бир гектар майдонга 6-8кг уруғ сарфланади. Уруғлар далага сепилгандан сўнг яхшилаб суғорилади. Ўсимликлар тўлик униб чиққунга қадар намлик сақланиб туриши зарур. Ўсимлик 4-5 барг чиқаргандан сўнг қатор оралари юмшатилиб органик, минерал ўғитлар билан озиклантирилади. Гектарига 150 кг аммиакли селитра, 150 кг суперфосфат ва 4-5 т/га органик ўғитлар сарфланади.

Райхон ўсимлиги май ойининг охири июн ойининг бошларида техник пишиб етилади. Ўсимликлар узлуксиз суғорилиб туриши лозим. Техник пишиб етилишига қадар 5-6 марта суғорилади. Гул новдалар чиқа бошлагандан юлиб олинади. Бу усул вегетатив майсани кўпайишига олиб келади. Совуқ тушгунга қадар ўсимлик барглари ва новдалари 4-5 мартаба териб олинади. Ҳосилдорлиги 20 т/га ва ундан юқори.

Навлари. Республикамизда райхоннинг маҳаллий навларидан: Ош-райхон, Сада-райхон катта баргли, Сада райхон майда барглилари етиштирилади (Барглари оч яшил ва бинафша рангда).



Бахт нави, Ўртапишар катта баргли бўлиб барги яшил тусда. Амал даврида 3-4 маротаба терилади.

Зелёный нави ВНИССОК селекциясига мансуб бўлиб ўсимлик униб чиққандан гуллашгача 65-70 кунни талаб этади. Уруғлари 145-150 кунда пишиб етилади. Бўйи 50-70 см гача ўсади. Барглари катта, тухумсимон, оч яшил тусда. Бир туп ўсимликдан 100 г гача уруғ олиш мумкин.

2.4.6. САЛАТ – Қоҳу, элма сутчўп

Ишлаб чиқаришда барг салат ва бош салат турлари етиштирилади. Барг салат бевосита уруғ орқали етиштирилади, бош салатни эса кўчат орқали етиштириш мақсадга мувофиқ.

Уруғлар сентябр- октябр ойларида 10-15 кун оралатиб экилади. Бу махсулотни конвейер ҳолда етиштиришга имкон беради. Бир квадрат метр ерга 1-3 г уруғ 1,0-1,5 см чуқурликда экилади. Уруғлар 4-6 кунда ёппасига униб чиқади. Кўчатлар 4-5 чин барглигида кўчириб ўтказилади. Экиш схемаси 60x20 см.

Кўчатлар яхши тутиб олгач чопиқ қилинади, қатор ораларига ишлов берилади ва шундан сўнг биринчи озиклантириш амалга оширилади.

Салатни озиклантиришда 1 га майдонга 200 кг селитра ва 200 кг фосфорли ўғитлар 1:1 нисбатда берилди.

Навлари. Кўк-шоҳ. Барг салат. Барглари ўртгача катталикда, силлиқ, сувли. Ўртгача ҳосилдорлиги 17,6 т/га. Ўсув даври 54 кун.

Крупнокочанный. Бош салат. Карамбоши шакли юмалоқ, ранги оч яшил, вазни 300-350 г., 58 кунда техник пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 26 т/га.



3. МЕВАЛИ БОҒ ҚАТОР ОРЛАРИДА САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

Боғ қатор ораларига экиладиган экинларни танлашда тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш ва бошқа чора-тадбирлар дарахтларни яхши тарбиялашга, илдизини ривожлантиришга, чиройли шакл беришга ҳамда очиқ ердан унумли фойдаланиб тупроқнинг унумдорлигини оширишга қаратилиши керак.

Меваги дарахтлар биринчи йил экилганда унга ажратилган майдоннинг экиш схемаси бўйича фақат 1–2 фойзидан фойдаланади. Уларнинг илдиз тизими ривожланиши натижасида ажратилган майдондан данакли дарахтлар фақат 4–6 йилдан, уруғли меваги дарахтлар эса 5–8 йилдан кейин тўлиқ фойдаланади. Меваги боғларга экиш схемаси бўйича ажратилган майдоннинг кўп қисми, нисбатан узоқ муддат давомида ўзлаштирилмасдан ётади. Ёш боғлар орасини қора шудгор (черный пар) сифатида сақлаб туриш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Боғларни қатор ораларига экиш учун экинларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлардан маълумки, олма ва нок боғларини қатор орасига улар 6–8 ёшга киргунга қадар сабзавот экинларини ва қатор ораларига ишлов берадиган ўсимликларни экилгани яхши.

Данакли боғлар олти ёшга киргунча улар қатор орасига сабзавот ва полиз экинларини экиш тавсия қилинади. Бунда томатдош экинлардан помидор, қалампир, бақлажон ва картошка экинлари вирус касалликларини тарқатишга мойил бўлганлиги сабабли уларни боғ қатор ораларига экиш тавсия қилинмайди.

Боғ қатор ораларига оралиқ экинлар экиладиган бўлса биринчи икки йил давомида дарахт танаси қаторига эни 1 м, кейин ҳар йили 0,5 м. дан ошириб бориб, сабзавотлар экилмай қолдирилади. Боғ тўлиқ ҳосилга кирганда қатор ораларига экин экиш фойдасиз бўлади.

Боғ қатор ораларига экилган экинлар ердаги озиқ моддалар ва намининг бир қисмини олиб қўяди. Бу эса баъзан мева дарахтларининг ўсиши ва ҳосил беришига таъсир этади. Шунинг учун қатор ораларига экиладиган экинлар танланганда боғдаги мева дарахтларининг сувга ва озиқага бўлган талаби бир пайтга тўғри келмаслиги керак.



Мевали дарахтлар баҳорда, барг ёзаётганда, новдалари ва мевалари ўсаётганда сувни кўпроқ талаб қилади. Шунинг учун боғ қатор ораларига баҳорда сувни кўп талаб қилмайдиган экинлар экилиши керак. Бундан ташқари қатор ораларига сентябрь ойида суғорилмаслик учун, ўсув даври қисқа бўлган, кузгача вегетацияси тугайдиган сабзавот ва дуккакли дон экинларини экиш лозим. Акс ҳолда экинлар суғорилганда, боғ дарахтлари ҳам сувдан фойдаланиб қишга тайёргарчилик қилолмайдилар.

Боғ қатор ораларига баланд ўсадиган маккажўхори, оқ жўхори, яна тупроқдан кўп озика оладиган кунгабоқар, уруғлик беда ҳамда дарахтларни соялайдиган экинларни экмаслик керак.

Боғ қатор ораларига сабзавотларни ўсув даври қисқа бўлган турлари ҳамда тупроқларни азот ва чиринди билан боитадиган дуккакли дон экинларидан – мош, кўк нўхат, нўхат ва ловия ўсимликларини экиш тавсия этилади. Боғ қатор ораларига турли сабзавот ва бошқа экинлар экилганда алмашлаб экишни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ёш боғ қатор ораларига куйидаги полиз ва сабзавот экинларини экишни тавсия этилади.

ОҚ БОШ КАРАМ

Оқ бош карамнинг эртапишар чет эл Фарао F1, Парел F1, Балбро F1, Бурбон F1, Назоми F1 каби дурагайларини экишга тавсия этилади.

Парваришлаш технологияси. Эртапишар карам навларининг кўчати республикамизнинг жанубий вилоятларида 10–12 февралда, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 25 февраль-10 мартда, шимолий минтақаларда 15–30 мартда далага экиш пайтида кўчатларда 6–7 та барг бўлиши ва улар плёнка остига экилиши керак.

Эртаги карамнинг ҳосилини эрта муддатларда етиштирилиши учун биринчи навбатда уни экишга мос жой танланади ва ер кузда тайёрлаб қўйилади. Кузда тайёрлаб қўйилган эгатларга экилганда ҳосили 8–10 кун илгари етилади ва 20% га кўпаяди.

Эртаги карам 70x25 (30) см схемада экилади. Кўчат экилиб бўлгандан кейин дала кетма кет суғорилади. Орадан 2–3 кун ўтгач, кўчат ўтказилган эгатлар текширилади, хато жойларга яна кўчат экилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатнинг оралари культивация қилинади,

сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади. Иккинчи культивация экин бир суғорилгандан сўнг ўтказилади. Эртаги карам икки марта чопиқ қилинади.

Кўчатлар экиб бўлингандан кейин икки-уч хафта ўтказиб биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-4,2 культиватор билан 15–16 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиклантирилади ва суғорилади. 20–25 кундан кейин яна бир марта ялпи ишлов берилади.

Карамни озиклантириш учун гектарига 25–30 тонна гўнг, 200 кг азот, 150 кг фосфор ва 75 кг калий солинади.

Иккинчи йил боғларда кузда гўнгнинг йиллик миқдори тўлиқ, фосфорнинг 75, калийни 50% ерни ҳайдашдан олдин солинади. Фосфорнинг 25, калийни 50%, азот ўғитларининг 20% кўчатни экишдан олдин, қолган қисми кўчат тутгандан сўнг, тупбарги пайдо бўлганда ва карамбоши ўрай бошлаган пайтда тенг қисмларга ажратилган ҳолда берилади. Бўзтупроқли ерларда эртаги карамга 8–10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6–8 марта сув бериш тавсия этилади. Суғориш меъёри гектарига 500–550 м³.

Суғориш. Карамни неча марта суғориш уни экиш муддатига ҳамда сизот сувнинг чуқур ёки юзалигига боғлиқ. Карам кўчати далага ўтқазилгандан кейин тутиб кетиш ва карам бош ўраётган даврда сувни айниқса кўп талаб қилади.

Эртаги карам кўчатини далага ўтказиш вақтида кўпроқ ёгин-сочин бўлиб туради, бинобарин, бу даврда экинни суғормаса ҳам бўлади. Акс ҳолда экинни албатта суғориш шарт. Шунинг учун эртаги карам кўпинча мартнинг охири ва апрелнинг дастлабки кунларидан бошлаб суғорилади. Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги карам майнинг ўрталаригача ҳар 7–8 кунда бир марта суғорилиши керак. Майнинг иккинчи ярми ва июнда эса 5–6 кунда сув берилади. Йиғиб-териб олиш олдидан сувни тўхтатиш лозим. Умуман олганда сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги карам ўсув даври мобайнида (тупроқнинг дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 80 фоиздан камаймаганда) 10–12 марта, сизот суви юза жойлашган далаларда эса 6–8 марта суғорилади.



ПИЁЗ

Пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган эртапишар Сумбула, Ок дур, ўртапишар Истикбол, Зафар навларини экиш тавсия этилади.

Парваришlash технологияси. Мамлакатимизда пиёз уч муддатда: эрта баҳорги, ёзги-кузги ва тўқсонбости қилиб экилади. Баҳорги муддатда пиёз жанубий вилоятларда 5–25 январда, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 20 февраль-10 март, шимолий минтақаларда 5–25 март, 2-йил боғларга тўқсонбости муддатда марказий минтақада жойлашган вилоятларда 15 ноябр 15 декабр ва шимолий минтақаларда 1 ноябрь-1 декабрда, ёзги-кузги муддатда шимолий минтақаларда 15 август-1 сентябрь, бошқа вилоятларда 15 август-10 сентябрда уруғи экилади.

Пиёз уруғи гектарига баҳорги муддатда гектарига 12–15 кг, ёзги-кузги ва тўқсонбости муддатда 20 кг. гача сарфланади. Пиёз СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70–90 см. дан олиб тўрт қаторли усулда экилади. Уруғлар ерга 1,5–2 см чуқурликка кўмилади.

Пиёз икки-уч марта дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6–8 см. га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8 А культиватори билан ерни 15–16 см чуқурликда ишлов берилади.

Ўғитлаш. Пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан тупрокнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озика элементларни кўп бўлишини талаб қилади.

– Бўз тупроқларда пиёздан 30 тонна ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга ўртача 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий бериш керак.

– Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда эса 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий беришни тақозо этади.

– Шўрланган, тупроқ бонитети паст бўлган ўтлоқи тақир, тақир тупроқларда пиёз етиштирилганда гектарига 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий бериш керак.

Ўғитларни бериш муддати. Режалаштирилган ҳосилга белгиланган фосфор ўғитни йиллик миқдорининг 70–75% ерни асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот ўғитини эса вегетация даврида озиклантириш пайтида тенг ик-



кига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш пиёз яганалаб, ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса пиёз боши шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнг берилганда гўнгдаги бегона ўтлар уруғлари униб чиқиб, олинадиган ҳосилга салбий таъсир этади.

Суғориш. Пиёз ҳаво нами паст жойларда яхши ўсади, аммо тупроқнинг сернам бўлишини хоҳлайди. Пиёзнинг барг шапалоғини кичиклиги ва сувни тежаб-тергаб сарфлашига қарамасдан, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан тупроқ намлигига талабчанлиги ниҳоятда кучли. Уруғ униб чиқаётган ва пиёз боши шаклланаётган даврда экиннинг сувга талаби айниқса ошади. Фақат ўсув даврининг охирида ва пиёз бошлари етилган пайтдагина ўсимликнинг сувга бўлган талаби бир оз камаяди. Бу даврда тупроқ хаддан ташқари сернам бўлса, пиёз кечроқ етилади ва уни узоқ сақлаб бўлмайди. Тупроқ нами етишмаса, пиёз бошининг катталашиши сустлашади, ўсув даврини барвақт тугаллайди, камбарг ва пиёзбоши майда бўлади, натижада ҳосилдорлик кескин камаяди.

Суғорганда тупроқ етарли даражада намиқмаса барги оқиш-яшил тусга кириб, учи эгилади. Ортиқча намланганда эса барги оч яшил рангга киради.

Сизот суви чуқур жойлашган бўзтупроқли ерларда кўкламнинг охири ёзнинг бошларида пиёз ҳар 7–10 кунда суғорилади.

Пиёзни тез-тез суғориш то пиёз боши шаклланишининг охиригача давом эттирилиб, янги барг ўсиб чиққандан сўнг тўхтатилади. Июньнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни пиёзбошининг ўсиши тўхтагандан кейин экин 12–14 кун оралатиб икки марта суғорилади ва йиғиб-териб олишга бир ой қолганда суғориш тўхтатилади. Экин шу тарзда суғорилганда пиёзбоши қаттиқ-тиғиз ва узоқ сақланадиган бўлиб етилади. Мана шу даврда ўсимлик суғориб турилса, у қайтадан кўклаб кетади ва бундай пиёз яхши сақланмайди. Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кўкламда экилган пиёзни ўсув даврида 11–13 марта, сизот суви яқин бўлган участкаларда 7–9 марта суғориш керак.

Юқорида айтилганидек, пиёз илдизлари тупроқнинг юза қатламига таралишини ҳисобга олиб ҳар галги суғоришда гектарига 350–400 м³ ҳисобидан сув берилади.



САБЗИ

Сабзининг эртапишар Мшак–95, Нурли–70, ўртапишар Мирзои сариқ–304, Қизил мирзои–228, Нантская–4, Шантане–2461, Зийнатли навларини экиш тавсия этилади.

Парваришлаш технологияси. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида баҳорги сабзи уруғи 15–28 февралда; марказий минтақада жойлашган вилоятларда 1–15 мартда, шимолий минтақаларда 15–30 мартда экилади. Сабзи уруғлари СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеял-калар билан 1,5–2 см чуқурликка 52x8, 62x8 см схемада экилади. Уруғ сарфи гектарига 5–6 кг. Сабзини парваришлаш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири уруғни ердан текис ундириб олишдир. Сабзи ниҳоллари тупроқ доим нам бўлганда 5–7 кунда кўринади ва 10 кунда униб чиқади.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташ ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3–4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади. Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард–50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2–3 кг. дан бегона ўтлар уруғи ердан ун-гунга қадар ёки 1–2 чинбарг чиқарган вақтда; Нитран 30 фойизли препаратни гектарига 3,3–6 кг ёки Трефланни 24 фойизли препаратини гектарига 4–6 кг ҳисобидан маданий ўсимликларининг уруғи униб чиққунгача ёки 1–2 чинбарг чиқарган вақтда ёки Фюзилад Супер 12,5 фойизли препаратини гектарига 1–2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2–4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Гербицид сепилган сабзи экинлари меваларини 4 ойдан илгари истеъмол қилиш тақиқланади. Сабзи иккинчи марта ягана қилиниб, ўтдан тозалангандан кейин қатор оралари трактор культиваторида юмшатилади.

Сугориш. Илдизмева сабзавотларнинг тупроқ намига бўлган талаби экиннинг турига қараб ҳар хилдир.

Лавлаги ва сабзи ўсимлигининг илдизи яхши ривожланган, тупроққа нисбатан чуқур таралади, барг шапалоғи унчалик катта эмаслигидан сувни кўп буғлантирмайди, аммо тупроқнинг бир оз чуқур қатламидан нам тортиб олиш қобилиятига эга. Демак, улар-



нинг сувга ўта талабчан эмаслигининг боиси ҳам шунда. Лекин юртимиз шароитида экинларни суғормасдан мўл ва сифатли ҳосил олиб бўлмайди. Агар экин қондириб суғорилмаса, ҳосилдорлик ва шунинг билан бирга маҳсулотнинг сифати пасаяди.

Сабзи ва лавлаги ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% бўлиши керак.

Илдизмевали сабзавотлар ўсув даврида сувни ҳар хил миқдорда талаб қилади. Уруғнинг униб чиқиш, шунингдек баргнинг жадал суратда ўсиш ва ҳосил тўплаш даврида экинларнинг сувга талабчанлиги бир оз ошади. Илдизмеваси етилган вақтда экин ҳаддан ташқари кўп суғорилса, уни узоқ сақлаб бўлмайди ва ёрилиб кетиши мумкин.

Тупроқ нами етишмаса сабзининг барги қораяди, ортиқча сернам бўлса оч яшил тусга киради. Шунга мувофиқ хўраки лавлаги баргининг ўсиши анча секинлашади, майдалашади ва у тўқ қизилбинафша ранг билан қопланади. Ортиқча нам бўлганда барги яшил, томирлари эса оч қизғиш рангга киради.

Ўзбекистон шароитида сабзи ҳамда хўраки лавлаги боғ қатор орасига кузда ва кўкламда сепилади. Кўкламда сепилганда ўсимликнинг ўсув даври ҳаво анча салқин пайтда ўтади, лекин илдизмева ҳосил қилиш пайти эса ёзнинг айни иссиқ вақтига тўғри келади. Бу вақтда экилганда уруғ қишда ва баҳорда ёкқан ёғиндан тўпланган нам ҳисобига бемалол униб чиқади. Айрим, яъни кўклам курғоқчил келган йиллардагина уруғнинг униб чиқишини тезлаштириш мақсадида уруғ суви берилади.

Кўкламда экилган илдизмевали сабзавотлар апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Дастлабки пайтларда экин ҳар бир ярим-икки ҳафтада, майнинг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суратда катталашаётганда эса ҳар 7–8 кунда суғорилади. Ҳосил етилиб, йиғим-терим пайти яқинлашганда суғориш тўхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда эртаги сабзи ва лавлаги ўсув даврида 8, сизот суви юза далаларда эса 5–6 марта суғорилади.

Барча илдизмевали сабзавотлар учун тупроқ (70–80 см) қатлами нам бўлиши керак. Бу эса бошқа сабзавотларга қараганда катта меъёрда суғоришни тақозо қилади. Лекин ҳамма илдизмевали сабзавотлар учун суғориш меъёри бир хилда эмас.



Сабзи ва лавлаги нисбатан камроқ сув талаб қилади, бинобарин навбатдаги суғориш олдидан тупроқнинг дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70–75% га тушиб қолиб, нам анча камаяди. Шундай пайтларда бу экинлар тупроқ шароитига қараб гектарига 550–600 м³ ҳисобидан суғорилади.

Сабзини ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

Суғориш-тупроқ ва унинг унумдорлигига кучли таъсир этадиган воситадир. Суғориш натижасида экинларнинг ҳосилдорлиги оширилади ва маҳсулотнинг сифати яхшиланади. Шунинг учун экинлардан мутгасил юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда суғоришни тўғри ташкил этишнинг аҳамияти катта. Суғориш яхши ташкил қилинганда сабзавоткорларнинг иш унуми ошади, маҳсулотнинг сифати яхшиланади ва таннархи арзонлашади.

Сабзини ўғитлаш. Республикани барча минтақаларида сабзи боғлар орасига эртаги муддатда экилади. Сабзи ўсимлиги бошқа сабзавотлар каби тупроқ унумдорлигига, асосий озиқа элементларига талабчандир. Озиқа элементлари етарли миқдорда тавсия этилган миқдорда берилганда юқори ҳосил олиш имкони бўлади.

Республикада энг кўп тарқалган қадимдан суғориб келинаётган буз тупроқ ерлардан эртаги сабзининг гектаридан 25 тоннадан ҳосил олиш учун соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 45 кг калий солиш керак; ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда соф ҳолда 120 кг азот, 70 кг фосфор, 40 кг калий бериш керак; шўрланган тақир ерларда етиштирилганда эса соф ҳолда 160 кг азот, 80 кг фосфор, 50 кг калий бериш керак; 30 тонна ҳосил олиш учун келтирилган тупроқларга куйидаги миқдорда соф ҳолда ўғитлар беришлик тавсия этилади; қадимдан суғориб келинаётган бўз тупроқларда сабзи етиштирилганда гектарига соф ҳолда 220 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг калий; ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда етиштирилганда эса 175 кг азот, 130 кг фосфор, 80 кг калий; шўрланган тақир тупроқларда етиштирилганда эса 250 кг азот, 200 кг фосфор, 120 кг калий бериш керак бўлади.

Бериладиган маъдан ўғитлар ичида аммиак селитра, аммофос, суперфосфат, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган Муборак фосфорит кони фосфор ўғитини қўллаш яхши натижаларни беради.

Шўрланган, тақир тупроқларда сульфат аммоний, калий сульфат, калий хлорид ўғитларини бериш тавсия этилмайди, сульфат аммоний ўрнига аммиак селитраси, калий ўғитлари сифатида нитрат калий ўғитларини бериш тавсия этилади. Янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнгни бериш тупроқда бегона ўтларнинг кўпайишига олиб келади, уни ўтоқ қилиш учун сарф-харажатлар кўпаяди, сабзи ўсимлигининг ўсиб- ривожланиши орқада қолади, ҳосилдорлик камаяди.

Ўғитларни бериш муддатлари: фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиклантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2–3 тадан чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

ОШ ЛАВЛАГИ

Ош лавлагининг маҳаллий Диёр ва чет эл навларидан Бордо–237, Бикорес, Боро F1, Пабло F1 дурагайларини экиш тавсия этилади.

Парваришlash технологияси. Ош лавлаги уруғлари 4–5 оС да униб чиқа бошлайди, ўсиб-ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20–25 оС дир. Лавлаги совук (-2–3о) ва юқори ҳарорат таъсирга чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Баҳорги муддатда жанубий ҳудудларда 15 февраль-1 март, марказий минтақада жойлашган ҳудудларда 1–15 март ва шимолий ҳудудларда мартнинг учинчи-апрелнинг биринчи ўн кунлигида экилади.

2-йил боғларга тўксонбости муддатда марказий минтақада жойлашган вилоятларда 10 ноябрь-10 декабрь ва шимолий минтақаларда 1 ноябрь-10 декабрда экилади. Уруғ сарфи баҳорги ва ёзги муддатларда 14–16 кг, тўксонбости муддатда 16–18 кг. Экиш схемаси 50+20x8 см. Ош лавлагини суғориш сони ва суғориш меъёри сабзаникига ўхшаш бўлади.



БОДРИНГ

Республикамизда бодрингнинг қуйидаги навлари экишга тавсия этилади: Ранний–645, Ўзбекистон–740, Первенец Узбекистана–265, Марғилон–822, Зилол, Парад, Конкурент, Наврўз, Омад, Талаба ва Голландия F1 дурагайларидан Алиби, Астерикс, Регал, Аякс, Суперина.

Парваришлаш технологияси. Республикамизда эртаги бодринг жанубий минтақаларда 1–15 апрелда, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 10–20 апрелда, шимолий минтақаларда 20–30 апрелда, ўртаги муддатда жанубда 20 апрель–5 майда, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 1–10 майда, шимолда 1–15 майда экилади.

Эртаги маҳсулот етиштириш учун плёнкали ёпқичлар остига март ойининг 2–3 ўн кунликларида 70+140x40 см ораликда уруғ ташланади. Очиқ майдонда СБУ-2,4А сеялкасида 70x30, 90x20 см тизимида 4–5 см чуқурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 4–5 кг. Униб чиқиб ниҳоллар уруғ палла баргчалари даврига киргандан кейин биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади.

Қатор ораларига КРН-2,8А, Кон-2,8А, КХО-4 русумли культиватори билан 15–16 см чуқурликда ишлов бериб, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб туриш, минерал озиқ ва сув бериб бориш керак. Ўсув даври мобайнида ҳар икки-уч суғоришдан кейин қатор ораларини 15–16 см чуқурликда культивация қилинади.

Ўғитлаш. Бўз тупрокларда бодрингдан гектарига 15–16 тонна ҳосил олиш учун гектарига 20 тонна гўнг ва N190P100K75 бериш тавсия этилади.

Азотли ўғитлар сульфат аммоний ёки аммиак селитраси кўринишида берилади.

Фосфорли ўғитлар – аммофос ёки таркибида P2O5-9,5%, N-4,6% бўлган мураккаб фосфор ўғити кўринишида берилади.

Калий ўғити калий хлор кўринишида берилади. Гектарига соф ҳолда N150P100 K75 берилганда тук ҳолда қуйидагича: сульфат аммоний - 571 кг ёки аммиак селитраси - 376,5 кг, аммофос - 217,4 кг, калий хлор - 150 кг бўлади.

Ерга асосий ишлов берилаётганда органик ўғитининг ҳамма миқдори, фосфорнинг 75% ва калийни 75% берилади. Бу кўрсаткич



гўнгнинг гектарига 20 т, аммофоснинг 163 кг, калий хлорнинг 112,5 кг тўғри келади.

Азотли ўғитларни 50% га камайтириш мақсадида, биоазотни гектарига 2 л суғориш суви билан биогумусни гектарига 10 тонна, вермугумни гектарига 10 тонна бериш мумкин.

Ўтлоки ёки ўтлоки ботқоқ тупроқларда бодринг етиштириш учун гектарига N120P80K60 кг бериш тавсия этилади. Азотли ўғитлар сульфат аммоний ёки аммиак селитраси кўринишида берилади.

Фосфорли ўғитлар - аммофос ёки таркибида P2O5-9,5%, N-4,6% бўлган мураккаб фосфор ўғити кўринишида берилади.

Калий ўғити – калий хлор кўринишида берилади. Гектарига соф ҳолда N120P80 K60 берилганда тукда қуйидагича: сульфат аммоний - 456,8 кг ёки аммиак селитраси - 301,2 кг, аммофос-174 кг, калий хлор-120 кг бўлади.

Ерга асосий ишлов берилаётганда фосфор ва калийнинг 75 фоизи берилади. Бу кўрсаткич аммофоснинг гектарига 130,5 кг, калий хлорнинг гектарига 90 кг. дан берилганда тўғри келади.

Биринчи озиклантириш ўсимликнинг 2–3 чинбарг чиқарган даврида берилади. Бу озиклантиришда азотнинг 10%, фосфор ва калийнинг қолган 25% берилади. Бу сульфат аммонийнинг гектарига 45,7 кг, аммиак селитрасининг гектарига 30 кг, аммофоснинг гектарига 44 кг тўғри келади.

Иккинчи озиклантириш оналик гулларининг ялпи гуллаган даврида берилади. Бу озиклантиришда азотли ўғитнинг 45 фоизи берилади. Бу кўрсаткич сульфат аммонийнинг гектарига 205,6 кг, аммиак селитрасининг гектарига 135,5 кг тўғри келади.

Учинчи озиклантириш ҳосилни иккинчи ёки учинчи теримдан сўнг берилади. Бу озиклантиришда азотли ўғитнинг қолган 45 фоизи берилади, бу сульфат аммонийнинг гектарига 205,6 кг ёки аммиак селитрасини эса 135,5 кг берилишига тўғри келади.

Суғориш. Бодринг жуда серпалак экин. Унинг асосий пояси 1–2 метрга етади, поядан ён шохчалар ва йирик барглар чиқади. Бодрингнинг илдизи эса унчалик ривожланмаган ва унинг асосий қисми тупроқнинг ҳайдалма қатламига, яъни 25–30 см чуқурликка таралади. Ўсимликни ернинг устки қисми билан илдизларининг ривожланиши ўртасидаги номувофиклик экинни тез-тез суғориб туришни тақозо қилади. Экиннинг сувга талабчанлигининг боиси ҳам шунда.



Сувга талабчанлиги жиҳатдан бодринг сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда турадиган экинлар қаторига киради. Найчалаш ва меваси етилган даврда бодринг сувни айниқса кўп талаб қилади.

Тупроқ нами етишмаса ўсимликнинг ўсиши сустрлашади, ҳосил тўплаш даври қисқаради ва махсулотнинг сифати пасаяди. Бундан ташқари бодринг эгри-бугри ва мазаси аччиқ бўлиб етилади. Тупроқ нами қочганда бодрингнинг барги тўқ яшил, сернам бўлганда эса оч яшил тусга киради.

Бодрингни суғоришда об-ҳаво шароитини, тупроқдаги намни ва ўсимликнинг қайси фазада ўсаётганлигини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Кўкламда экилган бодрингнинг ҳосил тўплаш даври одатда кечкисига қараганда узоқроқ давом этади. Экиннинг найчалаш-ҳосил тўплаш даври ёзнинг иссиқ пайтига тўғри келади. Ҳар қайси фазада ҳар хил миқдорда сув талаб қилиши, ҳарорат шароитини эътиборга олиб сизот суви чуқур жойлашган ерларда кўкламда экилган бодринг ҳар 7–8 кунда суғориб турилади. Ҳосил тўплаш даври бошланиши биланоқ экин тез-тез, ёппасига ҳосилга кирганда эса ҳар қайси теримдан кейин, яъни камида 2–3 кун оралатиб суғорилади. Ана шундай қилинганда сизот суви чуқур участкаларда эртаги бодрингга ўсув даврида 14–15 марта, юза ерларда эса камроқ 9–11 марта сув берилади.

Биринчи чопикдан то 2–3 та чинбарг чиқаргунича ўсимликни қантаришнинг суғориш тартиботида аҳамияти каттадир. Чопикдан кейин навбатдаги сувни 10–12 кундан сўнг, яъни унинг барги тўқ яшил тусга кирганда бериш керак.

Бодринг найчалагунича тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 80%, найчалаш даврида эса 85–90% бўлганда суғорилса ўсимлик яхши авж олиб ҳосил бирмунча ортади. Сув сиғими кам ва механик таркиби жиҳатдан енгил тупроқли ерларда суғориш меъёри камайтиради, нам сиғими яхши бўлган оғир тупроқли участкаларда эса кўпайтиради.

РЕДИС

Редиснинг Сакса, Дунганский, Лола, Красний великан, Майский местный ва Эртапишар навлари кенг тарқалган. Уруғи экилиб ниҳоллар пайдо бўлгандан жуда тезпишар навлари 20–25 кунда, тез-



пишарлари 30–35, ўртапишарлари 35–40 ва ўртачи кечки навларининг илдимевалари 40–45 кунда етилади.

Редис уруғининг униб чиқиши, ўсиб-ривожланиши учун энг қулай ҳарорат 15–18 оС ҳисобланади. Лекин редис паст ҳароратда (8–12 оС) ҳам ўсади ва 3–4 оС совуққа бардош беради. Ҳарорат 25–30 оС ва ундан ҳам юқори бўлганда редис ёғочлашиб, таъмини, сифатини йўқотади.

Редис қисқа сояга чидамли ўсимлик, ёруғлик етишмаса ҳам ўсаверади. У ўғитланган унумдор ерларга эрта баҳорда февраль охири-март бошларида, кўпинча бир неча муддатда экилади. Редис ёзда экилмайди, чунки у ёз ойларида тез пишиб ўтиб кетади ва таъмини йўқотади. Редис уруғи сабзавот сеялкаси билан пушталарга 2 қатор, пушталар ораси 50–70 см қилиниб ҳар гектар ерга 10–12 кг ҳисобидан уруғ экилади. Ўсимлик 1–2 тадан чинбарг чиқарганда яғналанади ва бир йўла ўтоқ қилинади. Қатордаги ўсимликлар ораси кичик тезпишар навлар учун 3–4 см, кечпишарларига эса 5–6 см. да бир тупдан қолдирилади.

Баҳордаги ёғингарчиликка қараб редис 2–4 марта суғорилади, қатор оралари культивация қилинади, бегона ўтлар йўқотилади. Илдимевалари етилишига қараб 2–3 марта танлаб териб олинади. Навига қараб гектаридан 10–12 т. гача ҳосил беради.

КЎКАТ САБЗАВОТЛАР

Кўкат сабзавотларга бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик маданий сабзавотлар киради. Кўкат сабзавотлар витаминларга, минерал тузларга, эфир мойларига ва ферментларга бой бўлиб, зирavor сифатида сабзавотларни тузлашда ҳам ишлатилади.

Кўкат сабзавотлар юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, иссиққа кам талабчанлиги, тупроқга, намга ва озиқ моддаларга кўп талабчанлиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб туради.

Кўкат сабзавотлар ниҳоллари пайдо бўлгандан кейин 25–35 кунда ҳосили йиғиб олинadиган даражага етади. Уларни йил давомида экиб янги сабзавот етиштириб туриш имконияти бор. Кўкат сабзавотлар асосан барги учун етиштирилади, шу сабабли уларнинг уруғи анча қалин экилади.



Кўкат сабзавотларга юқори ҳарорат салбий таъсир қилади, иссиқ ортиқча ва ҳавонинг нисбий намлиги паст (60 фоиздан) бўлса, ўсимлик барвақт гулпоя чиқаради, барглари суст ўсади, ҳосили кама-яди, баргининг сифати пасаяди, шираси кам, ўзи дағал бўлиб қолади. Улар яхши гўнгланган, унумдор ерларга экилса юқори сифатли ҳосил олинади.

САЛАТ

Салат бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат паст тупбарг ёки салат боши ҳосил қилади. Салатнинг Крупнокочанный ва Кок-шоҳ навлари Давлат реестрига киритилган. Умуман салатнинг 4 хил тури бор. Уларга баргли салат (ўсув даври 30–40 кун); пояли юлма салат (бўйи 40–80 см); бош ўрайдиган салат (ўсув даври 40–100 кун); Ромен салатининг (ўсув даври 70–100 кун) тупбарги йирик, тик ўсади.

Салат совуққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва бош ўраши учун қулай ҳарорат кундузи 15–20 оС ва кечаси 12–15 оС бўлиши керак. У 5 оС паст ҳароратда ҳам оз бўлсада ўсаверади.

Баргли ва бош ўрайдиган салатлар эрта баҳорда – февраль охири-март ойининг бошида очиқ далага экилади. Уруғи 15–20 см чуқур олинган полларга ёки лентасимон усулида 2–3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45–60 см лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга салат уруғидан 4–5 кг, бошли салатникидан 3–4 кг экилади. Майсалар униб чиққандан 10–12 кун ўтгач 1-мартга, 2–3 ҳафта ўтгач 2-мартга (охирги) яғана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8–10 см, бошли салатда эса 12–15 см масофа қолдирилади.

Салат ўсимлигини парваришлашга - ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари қиради. Баргли салат майсалар пайдо бўлгандан 30–40 кундан кейин ҳосили бир йўла йиғиштириб олинади. Бошли салатни ҳосили 45–50 кундан кейин уларни етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади. Баргли салатнинг гектаридан 5–6 т, бошли салатникидан 8–10 т. дан ҳосил олинади.



ИСМАЛОҚ

Исмалоқ-бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8–10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради.

Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига киради. Уруғи 3 оС ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6–8оС гача совуққа бардош беради. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигини пасайиб кетиши ўсимликка салбий таъсир қилади, барглари майда бўлиб қолади. Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25–40 кундан сўнг йиғиб олинади. Уруғи 90–100 кунда пишиб етилади.

Исмалоқни фақат битта – Нафис нави Давлат реестрига киритилган. Исмалоқ боғ қатор орасига эрта баҳорда, сабзавот сеялкалари билан кўш қаторлаб, ленталар ораси 50–60 см ва қаторлар орасини 15–20 см. дан қилиб экилади. Ҳар гектар ерга 15–20 кг уруғ, 2–3 см чуқурликка кўмилади.

Ўсув даврида парвариш қилиш ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат. Озиқ-овқатга ишлатадиган исмалоқ яғана қилинмайди. Исмалоқ 5–6 та барг чиқаргандан бошлаб кесилиб ёки юлиниб ҳосили бир неча марта йиғиштирилади. Гулпоялар чиқарганда ҳосили терилмайди. Исмалоқнинг ҳосилдорлиги гектарига 10–15 т.

УКРОП

Укроп бир йиллик ўсимлик. Узбекский–243 ва Ором навлари экилади. Баҳор ва ёзда истеъмол қилинадиган укроп эрта баҳорда (мартда) экилади. Кузда бодринг тузлаш учун у ёзда – август бошларида экилади. Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилади. Бир гектар ерга 20–25 кг уруғ сарфланади. Тузлашга ишлатиш учун улар сийрақроқ экилади ва ҳар гектар ерга 10–12 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади, экилгандан кейин 15–20 кунда кўкара бошлайди. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади. Баҳорда экилган укроп 2 марта, ёзда экилганлари эса 3–4 марта суғорилади.

Кўклигида ишлатиладиган укроп апрель ойидан бошлаб, бўйи 10–15 см. га етганда ўриб олинади. Укроп кўклигида ишлатиш учун экилганда гекторидан 6–8 т. дан, тузлаш учун ўстирилганда 10–12 т. дан ҳосил олиш мумкин.



КАШНИЧ

Маҳаллий аҳоли кашнични янги узулган барра маҳсулот ҳолида ва куришиб қишда ҳам ишлатади. Бу кўкат сабзавот йил бўйи истеъмол қилинади. Унинг Орзу ва Янтарь навлари районлаштирилган.

Кашнич совуққа чидамли бир йиллик ўтчил ўсимлик. Уруғининг ўсиши учун 5–6 оС, кўкариб ҳосил яратиши учун 15–16 оС ҳарорат керак. Кашнич вегетация бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра барглари 2–3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1–1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилади.

Кашнич ер танламайди. Уруғи экилгандан сўнг 35–40 кунда ҳосили етилади. Кашничдан узлуксиз ҳосил олиш учун уруғи куйидаги муддатларда: эртанги 10–15 февралда, ўртагиси 15 апрелда, ёзгиси 15 июнда, кейингилари 15 август, 15 октябрда ва тўксонбости қилиб 25 ноябрдан 10 декабргача экилади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 8–10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепилади. Нам етарли бўлса уруғи 5–10 кунда униб чиқади. Асосий парвариши 1–2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат. Яхши парваришланганда гектаридан 8–10 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

ҚОВУН

Ковуннинг эртапишар Роҳат, ўртапишар Суюнчи–2, Олтин водий, Лаззатли, Олтин тепа, Кичкинтой, Оби новвот, Гурвак, Бўри калла, кечпишар Тўёна, Гурлан, Амударё, Гулоби Хоразмий, Зар гулоби, Саховат, Умир воқи, Бешак ва бошқа навлари мавжуд.

ТАРВУЗ

Тарвузнинг эртапишар Ўринбой, Манзур, Чиллаки F1, Крисби F1, Кримстар F1 ва ўрта эртапишар Сурхон тонги, Деҳқон, Фермер навларидир.

Парваришlash технологияси. Полиз экинлари уруғининг униб чиқиши экиш муддатини тўғри белгилашга боғлиқ. Республикамиз-



нинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларида қовун ва тарвузнинг эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнгача; жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10–20 апрелда, кечкилари эса 10–20 июнда экилади. Шимолий минтақаларда эртаги қовун ва тарвузни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20–30 майда экиш лозим.

Полизчиликда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чора-тадбирларни яхши наф беришини таъминловчи муҳим шартдир. Кузда 35 см чуқурликкача шудгор қилинади. Ерни ҳайдаш олдида маъдан ва органик ўғитлар берилади.

Баҳорда тупроқда намни сақлаб қолиш учун дала тишли бороналар билан бороналанади, экиш олдида эса чизелланади.

Полиз экинлари эрта муддатларда экилганда ерни баҳорда қайта ҳайдашнинг ҳожати йўқ. Экинлар кечки муддатларда экилганда ерни қайта ҳайдаш зарур. Бунда тупроқни ағдармасдан туриб, 22 см чуқурликда ҳайдаб чиқилади.

Полиз экинларини ер ҳарорати 14–15 °С га етганда экишга киришилади. Қатор оралари 210–280 см. ли кенг эгат олинади. Бундай эгатлар полиз экинлари қатор ораларини ишлаш вақтида тўрт гилдиракли тракторларни ишлатишга имкон беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2х70, тарвуз учун (270+90):2х70 см. Уруғлар 3–6 см чуқурликка экилади. Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5–6 кг уруғ сарфланади.

Полиз экинларини парваришлаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиклантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан бир қаторда ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳоллар униб чиққач 20–25 кун ўтказилиб, иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, дастлабки сув берилади, озиклантирилади. Иккинчи чопиқ биринчисидан 25–30 кундан кейин ўтказилади. Ўсув даврида қатор оралари 4–5 марта культивация қилинади.

Суғориш. Полиз экинлари айниқса тарвуз ва мускат туридаги қовокнинг илдизлари жуда кучли ўсиб тупроқнинг 3, ҳатто 5 м. чуқурликдаги қатламигача таралади, диаметри эса 8–10 м. га боради. Шунинг учун ҳам полиз экинлари қурғоқчиликка ўта чидамлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Чунки уларда илдиз тукчаларнинг сўриш кучи юкори бўлиб, тупроқ унча нам бўлмаса ҳам мавжуд намдан фойдаланиш қобилиятига эга. Шу сабабли полиз экинлари сув буғлантирадиган барг шاپалоқининг катталигига қарамай Марказий Осиёнинг лалми ерларида бемалол ўсиб, дурустгина ҳосил бераверади. Қурғоқчиликка чидамлилиги жиҳатдан тарвуз биринчи, қовун иккинчи, қовок эса энг кейинги ўринда туради.

Полиз экинлари қурғоқчиликка жуда чидамли бўлишига қарамай юртимиз шароитида уларни суғориб парваришлаш керак. Бирок, ҳаддан ташқари сернам тупроқ полиз экинларига салбий таъсир этади. Сернам тупроқда мевадаги қанд моддаси камайдди, пўсти қалинлашади, ҳар хил замбуруғ касалликларига, жумладан фузариоз-сўлиш касалига чалинади.

Мамлакатимизнинг кўпгина туманларида полиз экинлари суғориладиган ерга экилади. Бўзтупроқли ерларда ўсув даврида экинларнинг ҳар гал гектарига 400–500 м³ ҳисобидан 8–9 марта суғориш кифоя. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса бўзтупроқли ерларга қараганда камроқ 4–5 марта суғорилади.

Ўсув даврида полиз экинларини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилни ошириш гаровидир.

Майсалар кўрингандан кейин биринчи чопиққа қадар экинлар 1–2 марта суғорилади. Биринчи чопиқ тугаллангандан кейин экин 20–25 кунгача сувдан қантарилади. Бу даврда ўсимлик илдизини чуқурроқ таралишига зўр беради, чопиқда илдизи кесилган бегона ўтлар тезроқ қурийди ва ниҳоят полизнинг найчалаши-мева тугиши тезлашади. Навбатдаги сув иккинчи чопиқ олдидан берилади.

Шундан кейин полиз экинлари ҳосил тўплашга киришади ва уларнинг сувга талаби ошади. Бинобарин, бу даврда полизни ҳар 10–12 кунда суғориб туриш керак. Қовун-тарвуз пиша бошлаши билан сув камроқ берилади. Ҳосил етилганда суғориш тўхтатилади, акс ҳолда қанд моддаси камайиб узок сақлашга ярамай қолади.

КАБАЧКИ ВА ПАТИССОН

Полиз экинлари гуруҳига мансуб кабачки ва патиссон қовун, тарвуз ва қовоққа қараганда сувга бирмунча талабчандир. Қовоқча ва патиссон ўсув даврининг дастлабки пайтларидан то гуллашгача полиз экинлари сингари суғорилади. Лекин булар чопиқдан кейин қовун-тарвузга ўхшаб узоқ қантарилмайди. Ҳосил тўплаш даври бошлангандан то ўсув даврининг охиригача ҳар 6–8 кунда суғориб турилиши лозим.

Полиз экинларини ўғитлаш. Полиз экинларидан 25–30 т, ҳосил олиш учун гектарига 75 кг азот, 75 кг фосфор ва 50 кг калий, органик ўғитлардан гектарига 30–40 т солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70–75% асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25–30 фоизи ва азотнинг 50 фоизи экиш олдидан берилади: азотли ўғитнинг 50 фоизи экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10–12 см чуқурликка солинади.

Қовун ва тарвуз ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб, уч-беш марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган кечки навлар эса бир марта йиғиштириб олинади.

КАРТОШКА

Эртанги картошкани плёнка остига экиш. Картошка ҳосилдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири экин навини тўғри танлаш ва сифатли уруғлик материални экиш ҳисобланади. Бунинг афзаллиги биринчидан, қисқа муддатда кам меҳнат ва маблағ сарфлаб юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда такрорий экин ўстириш; иккинчидан суғориладиган ердан, сувдан, техника ва ўғитдан самарали фойдаланиш, учинчидан, картошкачиликни рентабелли тармоққа айлантириш, хўжалик иқтисодини кўтаришга шароит яратади.

Ҳозирги кунда картошканинг Давлат реестрига 63 та нави киритилган бўлиб, кўпроқ экилиб келинаётган навлар қуйидагилар: Эртапишар - Латона, Фреско, Ред Скарлет.

Картошка учун энг яхши ерлар бу намлик ва органик моддалар билан тўлиқ таъминланган агрофизик хусусиятлари яхши бўлган



тоғли ҳудудлар, тоғ олди ва куйи дарё бўйидаги гидроморф тупроқлар ҳисобланади. Картошка оч енгил ўрта қумоқли соз тупроқларда ҳам яхши ҳосил беради.

Картошка учун яхши ўтмишдош экинлар бу карам, бодринг, поллиз экинлари, пиёз, илдизмевалар, бошоқли дон ҳисобланади.

Картошкани эрта муддатда етиштириш учун ер тайёрлаш. Боғларда 2-йил эрта баҳорда картошка экиш учун ерларни тайёрлаш октябр ойининг иккинчи ярми ёки ноябрь ойининг дастлабки 15 куни мобайнида амалга оширилади. Бунда аввал майдонлардаги ўсимлик қолдиқлари ЧКУ-4А русумли юмшатгич ва бороналар ёрдамида ташқарига чиқариб ташланади ёки КИР-1,5Б русумли майдалагич ёрдамида майдалаб чиқилади. Кейин майдонларнинг нотекис қисми текислаш мосламалари билан текисланади.

Текисланган майдонларга фосфорли ва калий ўғитлари йиллик меъёрининг 70% ва ҳар гектар ҳисобига камида 25–30 тоннадан маҳаллий ўғитлар РОУ-6 русумли ўғит сочгич билан бир текис сочиб чиқилади. Ўғитлар сепиб бўлингач, майдонлар ПЛН-3-35 русумли плугда 30–35 см чуқурликда хайдалиб, ЧКУ-4А, ЧК-4/6 русумли чизел билан 18–20 см чуқурликда кетма-кет юмшатилади, кейин эса КРН-2,8А, КОН-2,8А, КХО-4 русумли культиватор ёрдамида 70 см ёки 90 см ораликда суғориш эгатлари олиниб экишга тайёрлаб қўйилади.

Уруғликни экишга тайёрлаш. Картошка ҳосилини ошириш, сифатини яхшилаш ва эрта етилишини таъминлаш учун уни ундирилган туганакларидан экиш керак. Ундирилган туганакларни баҳорги муддатларда экиш ундирилмаган туганакларни экишга қараганда ҳосилни 12–15% ошириб, 10–15 кун эрта пишишига имкон беради.

Уруғлик картошкани ундиришга қўйиш олдидан сараланиб, чириган, эзилган ҳамда касалга чалинганларидан ҳоли қилиниб, соғлом тоза туганаклар ундириш хоналарига қўйилади.

Маҳаллий шароитда тайёрланган уруғлар ундириш хоналарига экишдан 30–35 кун олдин, четдан келтирилган уруғликлар 20–25 кун илгари қўйилади.

Ундириш хонасида ёруғлик ва 18–22 оС даража иссиқ харорат яратилиши лозим. Уруғликлар майда йириклигига қараб (40–60, 60–80, 80–100 г) саралаб ундириш хонанинг полларига, сўкчақларга (стеллаж) 2–3 қатламдан оширмай ёки 12-20-25 кг. ли яшиқларга



қўйиш лозим. Уларни яшил нишлари экиш давригача 0,5–1 см. дан ошиқ ўсиб кетишига йўл қўймаслик лозим акс ҳолда экиш даврида синиб кетади. Агар қўлда қўйиб кетмон билан ёпиб экиладиган бўлса, нишларини 3–4 см. гача ўстириб экилса ундан ҳам яхши бўлади. Уруғликларни катта кичикларига қараб алоҳида экилади. Бунда ўсимликларни ердан униб чиқиши, ўсиб ривожланиши ҳамда ҳосил етилиши бир хил бўлишини таъмин этади.

Оғирлиги 100 г. дан катта туганакларни баҳорда экиш учун икки-уч бўлакка бўлинади. Туганаклар кесилганда уларни униб чиқиши бироз кечикади.

Картошкани баҳорда экиш муддатлари, схемаси ва ишлов бериш. Республикамининг марказий минтақаларида эртанги картошкани экиш об-ҳаво шароитларига кўра 20 февралдан бошлаб март ойининг биринчи ярмигача давом этади.

Картошкани экиш олдиндан тайёрлаб қўйилган майдонга СН-4Б, КС-4 русумли картошка экгич ёрдамида ҳамда кичик майдонларда қўлда кетмон билан экиш амалга оширилади. Экиш схемаси 70 x 30 ёки 90 x 25 см. Экиш тугаллангач, уруғлар униб чиқадиган давригача ёғингарчилик кўп бўлиб, эгат устида қатқалоқ вужудга келган майдонларга уруғларнинг бир текис, тўлиқ униб чиқишини таъмин этиш учун сеткалик енгил бороналар ёрдамида бир-икки маротаба ишлов берилади. Бу ишни кичик майдонларда хаскаш билан эгатларни устига ишлов берилса қатқалоқ бузилиб бир йўла чиқиб келаётган ўтлар ҳам йўқотилади. Экилган картошка уруғлари ердан тўлиқ униб чиққач қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида КРН-2,8А, КОН-2,8А, КХО-4 русумли культиватор билан 14–16 см чуқурликда юмшатилади. Бунда 10–12 см химоя майдони қолдирилади.

Эртаги картошкадан юқори ҳосил олиш учун ўсимликлар ўсув даври давомида ўтлоқи тупроқли майдонларда 4–6 маротаба, бўз тупроқли майдонларда эса 5–7 маротаба суғориш тавсия этилади. Ҳар икки суғориш оралиғида қатор оралари 10–12 см чуқурликда юмшатилади. Бу тадбир мақсадида КРН-2,8А, КОН-2,8А, КХО-4 русумли культиватор билан ўсимликлар шоналагунча амалга оширилади.

Картошкани суғориш. Картошка намсевар, сувга талабчан ўсимлик, бинобарин, ундан мўл ҳосил етиштириш учун тупроқ нами доимо етарли бўлиши шарт. Бу экин ўсув даврида сувни бир хилда



талаб қилавермайди, палаги ўсган сари унинг сувга талаби орта беради. Айниқса, гуллаш даврида тупроқ доимо сернам бўлиши лозим.

Акс ҳолда буғланиш (транспирация) ва фотосинтез жараёни кискаради, ўсимлик ўсишдан тўхтайди, туганаклар озик моддалардан фойдалана олмай ривожланишдан орқада қолади. Орадан маълум вақт ўтгандан кейин суғорилганида эса, туганаклар қайтадан ўса бошлайди, лекин у болалаб кетади ва туплари кўклайди.

Мамлакатимизда картошкadan юқори ҳосил етиштириш учун тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги камида 75–80% бўлиши керак, ана шунда ўсимлик яхши ўсиб-ривожланади.

Бўз тупроқли ерларда тупроқ нами 75–80 фоиздан кам бўлмай сув даланинг 70 см. ли қатламини намласа, ҳар гектардаги картошка 400–450 м³ ҳисобида, ботқoқ ва ботқoқ-ўтлоқ тупроқли ерларда эса бундан кўра бир оз камроқ меъёрда суғорилиши керак. Картошкани неча марта суғориш унинг қайси муддатда экилишига қараб белгиланади.

Картошка баҳорда экилганида ўсув даври ҳавонинг салқин ва тупроқнинг сернам пайтига, ҳосил тўплаш даври эса ёзнинг айни қизий бошлаган вақтига тўғри келади. Шунинг учун ҳам эртаги картошка ҳосил тўплаш (туганаклаш) пайтида ҳар 5–6 кунда суғоришни талаб қилади.

Шу тартибда суғорилганда фақат ўсимликнинг чанқови кондирилмасдан, балки қизиб ётган тупроқ ҳарорати ҳам анча пайсайтирилади.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги илғор картошкачилар сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда эртаги картошкани суғоришни апрелнинг иккинчи ярмидан, яъни ёгин-сочин деярли ёғмайдиган пайтдан бошлайдилар.

Картошка туганаклагунча экин ҳар 7–8 кунда, туганаклаш даврида эса ҳар 4–5 кунда суғориб турилади.

Ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетган пайтларда эртаги картошкани ҳар 3–4 кунда кечаси суғориш ниҳоятда фойдалидир. Кечаси суғорганда тупроқ батамом намлангандан кейин орадан 1–2 кун ўтказиб яна суғориш керак.

Тошкент давлат аграр университетининг ўқув-тажриба даласида картошка ҳар 6–7 кунда суғорилган ернинг ҳар гектаридан 21,2 т, 3–4 кун оралатиб суғорилган пайкалдан 22,5 т ва кечаси суғорилган далаларнинг гектаридан эса 24,9 т. га етказиб ҳосил етиштирилган.

Картошкага сув тунда жилдиратиб, яъни гектарига 250–300 м³ ҳисобида қуйилиши лозим.

Эртаги муддатда экилган картошкани ўғитлаш. Режалаштирилган ҳосилга белгиланган маъдан ўғитларни 70–75% фосфорли, калийнинг жами кузда ерни экишга тайёрлаганда берилади. Қолган 25% фосфор, 20–25% азот билан экишга эгат олишда экиш билан беришни тавсия этамиз. Қолган азотни 30–35 %, туганаклар тўлиқ униб чиққанда, 50 % эса қийғос шоналашда берган маъкул.

Шўрланмаган ерларда азот ўғитларидан сульфат аммоний, калий ўғитларидан эса сульфат калий ўғитларини бериш тавсия этилади. Агар ер шўрланган бўлса азот ўғитини аммиак селитраси ҳолида берган маъкул. Калий ўрнига суғоришда шарбат усулидан фойдалангани яхши натижа беради.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдукаримов Д.Т. - Ранний картофель Т., Мехнат, 1987. 101 бет
2. Абдукаримов Д.Т., Сафаров Т.С., Остонакулов Т.Э. - Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари. Т., Мехнат, 1989. 412 бет.
3. Азимов Б.Ж., Бўриев Ҳ.Ч., Азимов Б.Б. - Сабзавот экинлар биологияси. Т., “ЎЗМЕДИН” 2002. 219 бет.
4. Андреев Ю.М. - Овощеводства. М., ПрофОбрИздат., 2002. 256 с.
5. Балашев Н.Н., Земан Г.О. - Сабзавотчилик. Т., Ўқитувчи, 1977, 406 б.
6. Балашев Н.Н. - Выращивание картофеля и овощи в условиях орошения. М., Колос. 1976. 304 с.
7. Бексеев Ш.Г. - Овощные культуры мира (Энциклопедия огородчества). С.-Петербург, 1998. 510 с.
8. Бўриев Ҳ.Ч., Абдуллаев А.Г. - Томорқа сабзавотчилиги. Т., Мехнат, 1994, 176 б.
9. Бўриев Ҳ.Ч. - Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги. Т., 1999, 328 б.
10. Бўриев Ҳ.Ч., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ., Мухамедов М.М. Очиқ жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари. Т., “ЎЗМЕДИН” 2002.
11. Зуев В.И., Умаров А.А., Кадырходжаев А. - Интенсивная технология возделывания овоще-бахчевых культур и картофеля. Т., Мехнат, 1987, 164 с
12. Зуев В.И. ва бошқалар - Сабзавотчиликдан амалий машғулотлар. Т., 1983, 21 бет
13. Зуев В.И., Абдуллаев А.Г. - Сабзавот экинлари ва уларни етиштириш технологияси.. Т., 1997 й., 344 бет.
14. Зуев В.И., Абдуллаев А.Г. - Овощеводство защищенного грунта. Т., Ўқитувчи, 1982, 140-170 бетлар
15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Т., 2006 йил, 102 бет.
16. Матвеев В.П., Рубцов М.И. - Овощеводство. М., Агропромиздат. 1985, 431. с.
17. Мухин В.Д. - Овощеводство. М., Колос. 1993, с 135-183.



18. Нуритдинов А.И. - Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик справочниги. Т., Мехнат, 1987, 280 бет.
19. Орипов Р.О., Халилов Н.Х. - Ўсимликшунослик. Т., 2006, 166-183 бетлар.
20. Остонакулов Т.Э. - Технология возделывания и семеноводство картофеля в Зарафшанской долине. Т., Мехнат, 1991, 181 б.
21. Остонакулов Т.Э. - Сабзавот экинлар биологияси ва ўстириш технологияси. Т., 1997, 385 бет.
22. Остонакулов Т.Э. - Сабзавот экинлари етиштириш технологияси фанидан амалий машғулотлар. Т., 2001, 160 бет.
23. Остонакулов Т.Э. - Сабзавотлар етиштириш технологияси Т., 2003, 335 бет.
24. Остонакулов Т.Э. - Селекция ва уруғчилик асослари Т., 2003, бет.
25. Остонакулов Т.Э. ва бошқалар - Мева-сабзавотчилик ва полизчиликдан амалий машғулотлар. Т., 2005, 264 бет.
27. Остонакулов Т.Э., Отамуродов Э. - Тоғли минтақаларда картошкачилик. Т., Фан., 2007, 118 бет.
28. Остонакулов Т.Э., Усмонов Н.Н. - Картошкачиликда яшил ўғитлардан фойдаланиш. Т., 2006, 136 бет.
29. Остонакулов Т.Э., Облокулов Д.Д. - Такрорий экин сифатида помидор ўстириш технологияси. Т., 2008, 116 бет.
30. Отабоева Ҳ.Н. ва бошқалар. - Ўсимликшунослик. Т., 2000, 270 бет.
31. Сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ва уруғчилигининг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. Тошкент-Термиз. 2001. 105 бет.
32. Тараканов Г.И. - Овощеводство. М., Колос. 1993, с 66-72
33. [www. ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
34. www. kartofel.org



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК
ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ” ЛОЙИҲАСИ**

**“СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ
ШАРОИТИГА МОСЛАШГАН, ЮҚОРИ
ҲОСИЛДОР САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ
УРУҒЛАРИ НАВЛАРИНИ
САРАЛАБ ОЛИШ ВА ЎЗ ВАҚТИДА
АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ” БЎЙИЧА**

ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир: Т.Икромов
БМусахҳих: О.Мухторов
Саҳифаловчи: Б.Гулбаев

Е-mail tipografiyacent@mail.ru

“ТАҒАККУР” нашриёти.

Нашриёт лицензияси 08.12.2010 йилда берилган. АIN№182

Босишга рухсат этилди 16.01.2016.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. “Times New Roman” гарнитураси.

Оффсет босма усулида босилди.

Нашриёт босма табағи 4,75. Адади 400 нусха.

“O‘QUV TA‘LIM-METODIKA” ДУК

босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй.